



“Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 14 (1235) • 2019-yil 8-aprel, dushanba

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!
Қадрли дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Аввало, сиз, азизлар билан жонажон Ўзбекистонимизда, гўзал Сурхондарё заминидан кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборақбод этаман.

Ортимизда биринчи бор ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги бизга катта мамнуният етказди.

Бугунги фестивалимизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз: ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани бошқармаси бошлиғи Андрей Шувалов, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг тузилмаси — АЙСЕКОнинг Маданият бўйича директори Рихти Салихга, Жаҳон хунармандлар кенгаши Осиё ва Тинч океани минтақаси раҳбари Гада Риди Хижжавига, Қирғиз Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Раевга, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Аристанбек Мухамбетулига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазирининг ўринбосари Қурбанмурат Мирзадалиевга, Афғонистон Ислон Республикасининг Балх вилояти ҳокими Муҳаммад Исроҳ Раҳузар ва бошқа хорижий дўстларимизга чукр ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни биз халқимиз ва маданиятимизнинг яқин дўстлари сифатида қабул қиламиз. Бутун эл-юртимиз номидан барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар!

Азиз дўстлар!

Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслунасаби, тарихий илдишлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини аниқлатади.

Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг бўлоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, **фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу — инсониятнинг болалик кўшиғидир.**

Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани — бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман.

Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.



ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

Термиз шаҳрида 6 апрель куни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий Термиз миллий руҳда байрамона безатилган. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда илк марта ўтказиётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига пухта ҳозир-

лик кўрилгани Ўзбекистоннинг жаҳондаги гавҳари бўлган қадимий ва навқирон ушбу шаҳарга ўзгача шукҳ ва тароват бағишлаган.

Сўлим боғ-роғлар, хибоблар, кўча ва майдонларда қадимда шаклланиб, асрлар давомида сай-

қал топган миллий қадрият ва урф-одатларимиз, бахшиларимиз сиймолари акс этган паннолар ўрнатилган. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар юзидаги қувонч ва самимий муносабат Сурхондарё воҳасида

миллий ўзлигимизни кенг намоён этадиган, дунё халқларини қадим қадриятларини улуғлашга чорлайдиган, ягона мақсад, ягона маслак сари бирлаштирадиган улуг байрам бошланаётганидан дарак беради.

3-БЕТ



2-БЕТ

Хорижий оммавий ахборот воситалари Термиз бахшичилик санъати фестивали ҳақида

Термиз шаҳрида ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали санъат оламидаги муҳим тадбирлардан бири сифатида халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу муносабат билан фестиваль ва унинг доирасида ўтказилаётган тадбирлар юзасидан хорижий оммавий ахборот воситаларида турли хабар ва мақолалар эълон қилиб борилмоқда.

Жумладан, Украина-нинг “Страна” интернет-нашрида “Ўзбекистонда энг катта сўзана тикилди” номли мақола чоп этилди. Унда “5-10 апрель кунлари Термизда ўтказилаётган Халқ-

аро бахшичилик санъати фестивали муносабати билан Ўзбекистонда дунёдаги энг йирик ипак гилам — сўзана тикилди”, дейилади.

Хабарда сўзана ва унинг яратилиш тарихи, ушбу меҳнат тури, устаткувчилар фаолияти, фестиваль ва унинг ўтказилиши ҳақида баътафсил маълумот келтирилган.

Сўз — Халқаро фестиваль иштирокчиларига

Термиз шаҳрида ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида дунёнинг 74 давлатидан бахшилар, оқин ва жировлар, фольклор ижрочилари, мутахассислар иштирок этмоқда. ЎЗА мухбирлари фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар билан суҳбатда бўлди.

Ўзбек маданий ёдгорликлари жаҳон халқлари томонидан ўрганишга муносиб

Шамсиддин ОРУМБЕКЗОДА,
Тожикистон Республикаси маданият вазири:

— Халқаро бахшичилик санъати фестивалига таклиф этилганимдан бағоят мамнунман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фестивалнинг тантанали очилиш маросимидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Президент бугунги кунда унут бўлиб бораётган фольклор санъатини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолига етказиш, соҳа фидойилари меҳнатини қадрлаш, ижодига кенг йўл очиб бериш бўйича бир қатор таклифларни билдирди. Бу меросни асраб-авайлаш олимлар, санъаткорлар, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир.

4-БЕТ

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Уч-тўрт оилага битта газ баллон...

ЎЗ УЙИГИЗДА ҲАМ ШУНДАЙМИ, МУТАСАДДИЛАР?

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йил март ойининг сўнгги ҳафтасида ҳудудларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказдилар. Парламентнинг қуйи палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзolari ҳам маҳаллалар, хонадонларда, корхона ва ташкилотлар, ижтимоий объектларда фуқаролар, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди, уларнинг фикр ва таклифлари, мавжуд муаммоларни ўргандилар. Муаммоларнинг айримлари ўз жойида ҳал этилди, баъзи масалалар юзасидан фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат берилди, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қолган муаммоларга ечим топиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, очиқ мулоқотлар жараёнида фракция аъзолари бир қатор умумтаълим мактабларининг кутубхоналарига кўплаб китоблар совға қилишди.

НАМАНГАН. Парламентдаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов Наманган шаҳрида аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Учрашувларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, аниқланган муаммоларнинг ҳар бири қайд этиб борилди.

— Очиқ мулоқотлар фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юксалиб бораётганини кўрсатмоқда, улар фуқаролик бурчи ва ҳуқуқларини чуқур англаб етаётган-

лиги намоён бўлмоқда. Бу “Чинор” маҳалласи аҳоли билан ўтказилган учрашувда ҳам кўзга ташланди. Мазкур маҳаллада коммунал тўловлар ва маҳаллий соликларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Лекин бу ерда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган камчиликлар ҳам борлиги кўпчиликни ранжитмоқда.

5-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

Шу маънода, биз халқ ижодиёти, турли ўлкаларда бахши, жиров, оқин, манасчи, шоир, ошқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужассам этадиган инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бугун ўз ишини бошлаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айти шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада, аввало, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос "таширф қоғози"га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак.

Хусусан, бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, "устоз — шогирд" аъёнларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўғрисидаги ташкил этиш, бахши-шоирлар ижодида кенг йўл очиб бериш, тўй-томошалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди.

Бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Юртимизда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва юксалтириш мақса-

дида машҳур "Алпомиш" достонининг минг йиллиги кенг нишонланди. Бугун биз тўпланиб турган мана шу гўзал майдонда бу улғу бадийи обиди шарафига мухташам ҳайкал ўрнатилди. Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Давлатимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис қилинди.

Термиз шаҳрида янги ташкил этилган бахшилар мактабида, республикамиздаги болалар мусика ва санъат мактабларида юзлаб ёшларимиз миллий фольклор санъатини меҳр қўйиб ўрганмоқдалар. Юртимизда 100 томлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" мажмуаси нашр этилмоқда. Унинг 59 жилди айнан халқ достонларидан иборат эканини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўп томлик "Қорақалпоқ фольклори" тўплами ҳам чоп этилди. Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаётимизда бениҳоя муҳим ўрин туттиридан далолат беради.

Шу билан бирга, бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Соҳага оид китоб ва альбомлар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратилмоқда. Бахшиларимиз халқаро кўрик-танловларда, хорижий давлатларда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунларида муносиб иштирок этиб келаётгани эл-юртимизни мамнун қилади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан, бўм-бўш заминда пайдо бўлган эмас.

Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислам шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиров, Шерна бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намоёндаларни бергани билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Бугунги кунда ана шу ижодий аъёнлар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тоғаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қажор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Ғайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда.

Ушбу қувончли айёмда бахшилик санъатини илмий ўрганишдек муҳим

ишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Музаляна Алави, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Ҳусайнова сингари фан арбобларининг хотирасини ҳурмат билан ёд этамиз. Бугун уларнинг ишларини муносиб давом эттираётган Тўра Мирзаев, Жалғас Хушнӣёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Маматқул Жўраев, Тоштемир Турдиев, Жаббор Эшонқулов ва бошқа жонқуяр олимларимизнинг номларини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Айни пайтда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимларга самимий раҳмат айтамыз.

Қадри фестивал иштирокчилари! Биз ушбу нуфузли анжумани айнан кўҳна ва навқирон Сурхон ўлкасида ўтказаятганимиз бежиз эмас, албатта.

Сурхондарё деганда, аввало, улғу азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл ашайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кўҳна Зараўтош ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсундаги петроглиф расмлар, Бақтрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзентепа, Кампиртепа, Холчаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради.

Воҳанинг гўзал табиатини, Олтинсой, Сангардак, Хонжизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув гўшаларини бир бора кўрган, бепоён қир-адирларда бахшилардан дoston ва термалар тинглаган инсон бу диёрда умрбод мафтун бўлиб қолади.

Сурхондарё — азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод дostonчилик мактаби бутун минтақамизда маълум ва машҳур.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва ту-

ризм масканига, мана энди халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусикани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжумани катта шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Бугунги даврамизда жаҳоннинг узок ва яқин мамлакатларидан ташриф буюрган ўнлаб машҳур бахшилар, фольклор гуруҳлари, соҳанинг жонқуяр намоёндаларини қўриб турганимиздан гоят хурсандмиз.

Келинлар, азиз дўстлар, уларни чин қалбимиздан қўллаб, барчаларига ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат ва олқишларимизни изҳор этайлик!

Ҳурматли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестивал дунёдаги энг нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айти пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

Гўзал юртимиз ҳаёти билан танишган сиз, азизлар ўз фикр ва туйғуларингиз ҳақида, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз, унинг маданияти ва бетақор қадриятлари ҳақида янги-янги қўшиқ ва дostonлар яратишингизга тилақдошимиз.

Фестиваль доирасида ўтказилаётган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз ватандошлар!

Бугунги санъат ва нафосат байрамни баяндавчи савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Сурхондарё аҳлига чин юракдан ташаккур билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сикат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Этиборингиз учун раҳмат.



Хорижий оммавий ахборот воситалари Термиз бахшичилик санъати фестивали ҳақида

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

Озарбайжоннинг "Yenicag" ахборот порталида мавзуга оид берилган хабарларда фестиваль Ўзбекистоннинг энг жанубий минтақаси, ўзига хос қадимий санъат аъёнларига эга Термиз шаҳрида ўтказилиши ҳақида алоҳида сўз боради.

"ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган ушбу тадбирда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан 60 га яқин ижрочи иштирок этмоқда. Санъат оламидаги ушбу муҳим тадбирни ёритиш мақсадида дунёнинг 18 давлатидан 250 дан ортиқ журналист ташриф буюрган. Меҳмонлар, шунингдек, Сурхондарёдаги Фаёзтепа, Кампиртепа тарихий манзилгоҳлари, Султон Саодат ва ат-Термизий каби ўнлаб зиёратгоҳларда бўлиш имкониятига эгалар", дейилади "Yenicag" хабарларида.

Хитойнинг "Жэньминь жибао" газетаси ҳам ўз саҳифаларида халқаро майдонда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлари орасида Термиз шаҳрида ўтаётган аҳойиб ва бетақор тантаналар тўғрисида маълумотлар чоп этган. Хусусан, нашрда эълон қилинган мақолада қуйидагилар қайд этилади: "Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор ўтказилмоқда. Фестиваль ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Унинг доирасида турли илмий конференция ва ижодий учрашувлар ҳам ўтказилмоқда. Тадбирга кенг ҳозирлик қўрилган.

Бахшичилик тарихи, ушбу санъат турининг ўзига хос мактаблари ҳақида маълумот берувчи илмий-оммабоп китоблар чоп этилган. Унда қўллаб-даватлар қатори Хитой Халқ Республикаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда".

Ушбу халқаро фестивал тафсилотлари, шунингдек, "Trend az", "Kazinform", "БелТа", "REGNUM", "Daily Sabah", "Devdiscourse", "AKI Press" каби қатор хорижий ахборот тармоқларида ҳам кенг ёритиб борилмоқда.

З.МИРЗАБОВА,
ЎзА мухбири

Миллий маданият тимизининг СЎНМАС ТИМСОЛИ

Авлоддан авлодга ўтиб сайқалланиб келаётган бахшичилик санъати халқимизнинг маънавияти ва юксак бадийи салоҳиятини намоён этадиган ёрқин кўзгудир. Миллий маданият тимизининг туб илдизи, жон томири ҳам бахшичилик санъати бўлиб, у давр мураккабликларини енгиб, ўзининг гўзал шакллари, содда ва теран мазмунини, чуқур моҳияти билан умрбўқийлик касб этган ушбу қадимий санъат тури халқ бадийи ижодиётининг энг жозибали ва гўзал жанри, шу билан бирга миллиятимизнинг турмуш тарзи ва дунёқарашини ифода этадиган азалий қадриятдир.

Олимларнинг эътирофи этишича, «бахши» сўзи устоз, маърифатчи деган маънони англатади. Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг «Мушнат» асарида «Бир сабоҳдин туш вақтигача ва пешиндин оқшомгача анча иш қилурларким, неча девон, неча нависанда бахши ва неча парвоначи қила олмағайлар», дейилган. Бу ўринда бахши котиб, мирзо маъноларида қўлланган. Ўзбекларда бахши деб аталган халқ ижодкорлари бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд бўлиб, қорақалпоқларда жиров, қозоқларда оқин, қирғизларда манасчи, мўғулларда тўлчи, ўғузларда узан, дейилади.

Бахшилар фақуллодда кучли хотирага эга, улар халқ дostonларини соатлаб, ҳатто бир неча

кун мобайнида ёддан айта олади. Кўплаб маҳоратли бахшилар ёш сўз усталарига устозлик ҳам қилади. Бундай бахшилар шогирдларини икки-уч йил, айрим ҳолларда беш-олти йил ўқитишган. Вақт келиб, устоз шогирд учун махсус синов уюштирган: шогирд сараланган аудитория олдида бутун бир дostonни маромига етказиб қўйлаб бериши лозим бўлган. Агар у устоз талабларига мувофиқ ижро этолса, шундан сўнг тарбияланувчи бахши номини олган ва мустақил фаолият олиб бориши мумкин бўлган.

Юртимизда дoston қўйлаш аъёнаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш — Булунгур, Нарпай, Нурота, Қўргон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожики-



Азамат ХАЙДАРОВ,
Республика маданият муассасалари
фаолиятини ташкил этиш илмий методик
маркази директори,
профессор

тонда яшовчи ўзбек-лақай дostonчилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчи йўналиш — Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, қўшай, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчи йўналиш — Фарғона vodiysida дутор жўрлигида очик овозда айтилган. Қўргон дostonчилик мактабининг энг истеъдодли вакиллари

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) ва Пўлкан шоир (1874-1941) бўлиб, улардан "Алпомиш", "Якка Аҳмад", "Ойсулу", "Кунтуғмиш", "Гўр ўғлининг туғилиши", "Юнус пари", "Мисқол пари", "Авазхон", "Хасанхон" каби дostonлар ёзиб олинган. Булунгур дostonчилик мактаби қаҳрамонлик дostonларини ижро этиш билан машҳур бўлган. Бу мактабнинг истеъдодли вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955 йиллар) "Алпомиш", "Ёдгор",

"Юсуф билан Аҳмад", "Зулфи-зар", "Малика айёр", "Нурали", "Муродхон", "Ширин билан Шакар" каби дostonларини маромига етказиб айтган. XIX асрда Қашқадарё воҳасининг Қамай қишлоғи билан боғлиқ Қамай дostonчилик мактаби мавжуд бўлган. Бу мактаб Деҳқонбод ва Ғузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жўйруқ, Мулла Холназар ўғли, Бозор Шерқул ўғли, Ҳазратқул бахши Худойбердиев каби 60 га яқин

бахшиларни бирлаштириб, Шахрисабз дostonчилик мактаби билан ижодий ҳамкорлик қилган. Қамай дostonчиларидан "Нуралнинг ёшлиғи" (1972-1977), "Хонимой" (1963) ва бошқа дostonлар ёзиб олинган. Бахшичилик санъатининг яна бир йирик йўналиши Шеробод дostonчилик мактаби бўлиб, унда истеъдодли халқ бахшиси Қодир Раҳим ўғлининг (1936-1985) хизматлари катта бўлди. Шерна Бекназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Баймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши, Қодир Раҳим ўғли кабилар ушбу мактабнинг йирик вакиллари бўлиб, бугунги кунда Хушбоқ Мардонақулов, Шоберди Болтаев, Бобораҳим Маматмуродов, Қора ва Чори Умировлар, Қажор Қодир ўғли, Абдуназар Поёнов, Шодмонбахши, Илҳомбахши, Мухаммадибахши, Сафарбахши, Зулхумор бахши каби бир қанча бахшилар Шеробод дostonчилик мактаби аъёнларини давом эттирмақдалар. Бу мактаб вакилларида "Олтин қовоқ", "Малла савдогар", "Зайидкул", "Оллоназар

Олчинбек", "Ойчинор", "Шерали", "Келиной" каби дostonлар ёзиб олинган. Хоразм дostonчилик мактаби санъати бошқа дostonчилик мактабларидан услуби жиҳатидан фарқ қилади. Хоразм дostonлари ёзма манбага эга бўлиб, баъзан айтувчи қўлида матн ҳам бўлган, уларда мусика етакчи роль ўйнаган, кўпроқ ишқий-романтик дostonлар айтилган. Бола бахши — Қурбонназар Абдуллаев Хоразм дostonчилиги мактаби ривожланишида жуда катта хизмат кўрсатган. Ушбу мактабнинг йирик вакиллари Рўзимбек Муродов, Отахон Матякубов, Рўзимбой Норматов — Қаландар бахши, Норбек, Матназар ва Етмишбой Абдуллаевлар бўлиб, улардан "Ошиқ Фароб", "Ошиқ Маҳмуд", "Хирмондали", "Бока зиргон", "Авазхон" каби дostonлар ёзиб олинган. Қорақалпоқ мумтоз бахшичилик мактабининг йирик намоёндаси шоир Жиен жиров (Тоғай ўғли 1730-1784) "Улуғ тоғ", "Пўсган ел" (1827-1900)нинг "Айдоқ бий", "Амонгелди", "Эрназар бий" дostonларини Отеш Алшинбай ўғли (1828-1902), Қулмурот Қурбон ўғли (1845-1926), Қурбонбой Тожибоев (1876-1958), Омар Сугиримбет ўғли каби қорақалпоқ дostonчилик мактабининг йирик намоёндалари қўйлаган. Ғайратдин Отемуратов, Тенелбай Қаллиев, Гулнара Алламбергенова, Зияда Шерипова, Бақберген Сиримбетов, Гулбаҳор Ақимбетова каби бах-

ши ва жировлар қорақалпоқ бахшичилик мактабининг бугунги кундаги ижодкорларидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида "Бахшилар мактаби" ташкил этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни кашф этиш ва тарбиялаш, навақирон авлодни халқ оғзаки ижодиётининг ноёб ва бой хазинаси билан яқиндан таништириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрь "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори миллий маданиятимизни янада юксалтириш учун зарур бўлган барча имкониятларни яратди. Келгусида бахшиларимиз дўмбирасининг оҳангини, халқ дostonларини дунё аҳли тинглайди. Ушбу нуфузли фестивалга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар ҳам дўмбиранинг ноёб овози ва бахшиларнинг юксак маҳоратидан, халқ оғзаки ижодиётининг нодир дурдоналаридан баҳраманд бўладилар. Фестиваль доирасида хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида илмий-амалий анжуман ҳам ташкил этилади. Айни пайтда ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган 70 нафарга яқин хорижлик олимлар анжуманда иштирок этиш истагини билдириб, ўз маърузаларини тақдим этганлар. Улар орасида АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Корея ва Туркия каби йирик мамлакатлар вакиллари борлиги анжуман нуфузини янада оширади.

ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

Асрлар давомида ҳаётнинг турли синовларидан ўтган бу қадимий юртининг юксалиш йўлларида гувоҳ бўлиб келаётган Амударё бўйига оқшом чўқади. Муҳташам Санъат саройи ҳудудидаги 32 гектарлик майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг ўтмишдаги турмуш тарзи ҳамда бугунги обод ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган этнографик шаҳарча барпо этилган.

Шаҳарчадаги мўъжаз сахналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари намойиш этилмоқда. Хорижлик сайёҳлар ҳунармандлар кўргазма-ярмаркаларида қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, миллий чолғулар, сопол буюмлар намуналари билан танишиш, юртимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган меҳмон уйларида оилавий маросимларни кўриш имконига эга бўлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ва ушбу санъат анжуманини Термиз шаҳрида ўтказиш борасидаги ташаббусидан кейин вилоят марказида қисқа фурсатда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 80 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига Термиз аэропортининг янги биноси қурилди. Термиз темир йўл вокзали тубдан таъмирланиб, меҳмонлар учун янада қулай шарт-шароит яратилди.

Икки йилда бир марта ташкил этиладиган фестивалнинг асосий тадбирлари ўтадиган Санъат саройи ҳудудида замонавий йиғма сахна барпо этилиб, кенг майдонга халқимизнинг улғу маънавий обидаси — "Алпомиш" достони шарафига муаззам ҳайкал ўрнатилди.

Соат 18.40. Термиз, муҳташам Санъат саройи майдони.

Маҳабатли амфитеатр теграсида иштирокчи давлатлар байроқлари хиллирайди. Сахна ортида ўзига хос декорацияда қад кўтарган Қўхтанг тоғлари бизни ҳаёлан Алпомиш замонасига етаклайди.

Анжуман иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олади.



Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, инсониятнинг буюк ва бебаҳо бойлиги эканини, мана шундай ноёб санъат айна пайтда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, уни ҳимоя қилиш бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини таъкидлади.

Сахнада сибизга овози янграйди. Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади.

Концерт дастури изчил ривожланиб борадиган композиция, урта асосий бўғиндан иборат ўзига хос яхлит



достон асосига қурилган. Ранг-баранг бахшичилик санъати, мумтоз макомлар ва замонавий оҳанглар уйғунлашган наволар, халқ достонларидан парчалар, нафис термалар янграйди. "Алпомиш" достони воқеалари гавдалан-тирилган театрлаштирилган томошалар намойиш этилади.

— Президентимиз гоёси асосида Алпомиш ва Барчинойлар юртида ўтказилаётган халқаро фестиваль ўтмишда ҳам маданияти, санъати ва илм-фани юксак даражада ривож топган Ўзбекистонни жаҳонга танитишда янги саҳифа очиб бераётгани биз, бахшиларга ўзгача руҳ ва илҳом бағишлади, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов. — Минг йиллардан буён яшаб келаётган ноёб санъатимизни ҳозирги глобаллашув даврида ўз ҳолича асраб, келгуси авлодларга безавол етказишга алоҳида эътибор қаратаётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз. Биласизми, бахшичиликнинг энг шарафли ва масъулиятли жиҳати шундаки, бир достонни бошидан охиригача куйлаш учун унинг ҳажмига қараб, бир кундан беш кунгача вақт керак бўлади. Мен ўзим севиб куйлайдиган "Алпомиш" достонини уч кечаю кундузда мукаммал айтиб бера оламан. Бу фестивалда биз дунёнинг турли давлатларидан келган ана шундай чечан жиров, оқин, манасчи, тўлчи, узан ва бошқа бахшилар билан баҳслашамиз.

халқ бахшиси" унвони таъсис этилди. Ўтган йилларда мамлакатимизда 28 бахши-шоир "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони билан тақдирланди. Уларнинг тўққиз нафари сурхондарёлик экани, бир нафар ёш бахши "Нихол" мукофоти совриндори бўлгани ҳам соҳа фидойиларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

— Қорақалпоғистонда жировчилик ва бахшичилик икки йўналишда ривожланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ жирови Бахберген Сиримбетов. — Жировлар қаҳрамонлик, ботириклик авж пардаларда куйласа, бахшиларимиз ишқ-муҳаббат ҳақида достонлар айтган. Иккала мактабда ҳам жаҳон эпик меросининг ноёб хазинасини бойитган нафис достонлар яратилган. Бугунги кунда ҳар икки йўналиш бўйича бахши-жировларимиз "устоз-шогирд" аъёналарини давом эттирмоқда. Мазкур фестивал "Қорақалпоғ бахши-жировлари оҳанглари дунёга баралла таратишда катта имконият яратмоқда.

Кейинги йилларда бахшичилик санъатини янги босқичда ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили Термиз шаҳрида ташкил этилган Бахшилар мактаби ва туманлардаги мусиқа ва санъат мактаблари ҳузурида фаолият юритаётган бахшилар синфларида 100 дан ортиқ ис-

халқаро фестивал доирасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловда 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этади. Катнашчилар ижро этадиган достонлардан парчалар, куй, нағма ва термалар халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан халқ оғзаки ижодининг асл миллий хусусиятлари, бадиий-эстетик жиҳатлари, ижрочилик маҳорати, сахна маданияти ва бошқа мезонлар бўйича баҳолаб борилади. Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом, ҳайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

...Сахнада мумтоз куй-қўшиқлар янграйди. Думбира, чанқовуз, қўбиз, кил каби созлар жўрлигида достонлар ижро этилади. Бахши-жировларнинг ширали овози тадбир иштирокчиларига ўзгача завқ улашади.

10 апрелга қадар давом этадиган санъат анжумани бахшичилик ва достончилик санъатининг қадимий намуналарини асраб-авайлаш ва келажақ авлодга безавол етказишга хизмат қилади. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириб, гўзал, сержило ва тарихий-меъморий обидаларга бой юртимиз қиёфасини жаҳонга кенг намойиш этишда муҳим омили бўлади. Ёшлар қалбида бебаҳо меросимизга ҳурматни кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу нуфузли анжуман арасида қуриб битказилган Термиз халқаро аэропортининг янги терминалини кўздан кечирди. Кенг ва баян қилиб қурилган, замонавий техникалар билан жиҳозлан-

Бахшилар мактаби ҳақида эшитдим. У ерда ўқувчиларга халқ бахшилари дарс бера экан. Бу ҳавас қилишга арзийди. Ўртингизда бахшичиликни келгуси авлодларга етказиш йўлида қўйилган пойдевор бошқа халқлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Термиз шаҳрида илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали 74 давлатдан 160 дан зиёд иштирокчини Алпомиш юртига чорлагани бежиз эмас. Фестивалда ЮНЕСКО, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO каби нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатлардан фахрий меҳмонлар иштирок этаётгани унинг юксак мақоми ва нуфузидан далолатдир.

Фестиваль доирасида Термиз шаҳрида хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида "Бахшичилик санъатининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Корея ва Туркия каби мамлакатлардан келган олимлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Меҳмонлар тадбир кунлари қадимий воҳанинг ноёб археологик ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишади. Дунёга машҳур Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуалари, Фаёзтепа, Кампиртепа сингари муқаддас қадимжоларни зиёрат қилади. Жойларда сайиллар, халқ оғзаки ижодига бағишланган сахналаштирилган дастурлар намойиш этилади.

Халқаро фестивал доирасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловда 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этади. Катнашчилар ижро этадиган достонлардан парчалар, куй, нағма ва термалар халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан халқ оғзаки ижодининг асл миллий хусусиятлари, бадиий-эстетик жиҳатлари, ижрочилик маҳорати, сахна маданияти ва бошқа мезонлар бўйича баҳолаб борилади. Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом, ҳайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

...Сахнада мумтоз куй-қўшиқлар янграйди. Думбира, чанқовуз, қўбиз, кил каби созлар жўрлигида достонлар ижро этилади. Бахши-жировларнинг ширали овози тадбир иштирокчиларига ўзгача завқ улашади.

10 апрелга қадар давом этадиган санъат анжумани бахшичилик ва достончилик санъатининг қадимий намуналарини асраб-авайлаш ва келажақ авлодга безавол етказишга хизмат қилади. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириб, гўзал, сержило ва тарихий-меъморий обидаларга бой юртимиз қиёфасини жаҳонга кенг намойиш этишда муҳим омили бўлади. Ёшлар қалбида бебаҳо меросимизга ҳурматни кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу нуфузли анжуман арасида қуриб битказилган Термиз халқаро аэропортининг янги терминалини кўздан кечирди.

Кенг ва баян қилиб қурилган, замонавий техникалар билан жиҳозлан-

ган ушбу терминал соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Божхона назорати, авиация хавфсизлиги ва багаж олиш жойларида тезкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Кутиш заллари, СІР зоналар, она ва бола хоналари, намозхона, тиббий пункт ва бошқа бўлимларда йўловчиларнинг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Duty Free дўконлари, bepul Wi-Fi хизмати, чет эллик туристлар учун виза олиш сектори ташкил этилган.

Президентимиз терминалда яратилган шароитларни маъқуллаб, энди бундан самарали фойдаланиш, халқаро рейслар ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги учиб-қўниш йўлаги барпо этиш лойиҳаси бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида Султон Саодат мажмуасини зиёрат қилди. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Сурхондарё бой маданият ва маърифат ўчоғи сифатида танилган. Воҳада қўллаб азий-авлиёлар, уламо ва фузалолар мангу кўним топган Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида Султон Саодат (Сайидлар султони) номи билан машҳур меъморий ёдгорлик мажмуаси мавжуд. XI-XVII асрларда қад ростлаган мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Пештоқ ва ғумбазли чорсу хонали салобатли иморатлар ўз даврида юксак дид билан безатилган.

Манбаларда қайд этилишича, сўлим ва сокин бу ғўшада пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима онамининг бешинчи авлод набираси Ҳасан ал-Амир мангу кўним топган. Бу улуг зот Термиз сайидларининг султони бўлган.

Мутахассислар фикрича, Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан Самарқандга қўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этгач, шу ерда дафн этилган. Асрлар давомида ушбу муътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳаббатли мақбаралар қурилган. Эндиликда меъморий обида мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келади. Аждодларимиз томонидан турли асрларда яратилган бўртма равоқлар, сержило нақш ва тўқилми ганч безаклари асосида юксак дид билан ишланган нафис меъморлик санъатидан баҳраманд бўлади.


Тарихнинг гувоҳлик беришича, IX асрда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Термиз сайидлари хонадонини шаклланган. Марказий Осиё сайидларининг кўпчилиги ўз келиб чиқиш тарихини шу хонадон билан боғлаш бегиз эмас. Китобларда давлатлар бошқарувида, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур салтанати ривожига Термиз сайидларининг алоҳида хизмати борлиги таъкидланган. Соҳибқирон Ҳиндистонга юришлари чоғида ҳаммиша Термиз сайидлари хонадонидан тўхтаб, меҳмон бўлгани қайд этилган. Яна бир манбада Амир Темур Термиз сайидларига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган хонақоҳ ҳам бунёд эттиргани, лекин ноёб иншоот бизнинг давримизгача сақланиб қолмагани ёзилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадамжони янада обод қилиш, Имом Бухорий, Зангиота каби зиёратчилар кўп ташриф буюрадиган масканга айлантириш, илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев Ҳаким ат-Термизий мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Юртимизга тинчлик, қут-барака тилаб дуо қилинди.

Бой тарихимиз, маданиятимиз, хусусан, меъморлик санъатимизни ўзида мужассам этган мазкур мақбаралар, кўтаринки руҳда ўтаётган бахшичилик фестивали юртимизнинг нуфузини асрлар оша янада юксалтиришга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



Азим СУЙОН,
шоир

Фольклор — халқнинг туб илдири

Нурота тоғи иккита тизмадан иборат. Биринчиси, Оқтоғ тизмаси Туркистон тизмасининг шимоли-шарқий қисмида бўлган. Иккинчиси, Қоратоғ тизмаси Жиззахдан ўтгандан кейинги юксакликлардан бошланади. Улар қўшилиб Нурота тоғини ташкил этади ва Нурота тоғи бошқа томондан Қизилқум бағрига сингиб кетади. Қадим-қадимдан ана шу тизмалар бағрида жула кўп бахшилар ўтган.

Қўрғон адабий муҳити шу ерларда шаклланган. Оқтоғнинг бош қисмида Фозил Йўлдош ўтган. Ўзбек халқининг буюк достони "Алпомиш"ни айтган шу бахши ҳисобланади. Уни Ҳамид Олимжон эхтиром билан эслайди. Ҳамид Олимжон дастлаб бобоси Мулла Азимнинг тиззасида ўтириб Фозил Йўлдошнинг достонларини эшитган. Кейинчалик ёши улғайиб, бахши билан ҳамфир бўлиб у ҳақда шеърлар ёзган. "Ойгул билан Бахтиёр" достони бахшиёна йўлда яратилган. Оқтоғ тизмаси бир томондан Қўрғон оралаб ўтади. Бу Қўрғонда эса Эргаш Жуманбул-бул деган яна бир улуг бахши яшаб ўтган. Қўрғон бахшичилик мактабига ўлмас асарлари билан ана шу киши асос солган. Мана шу тоғ тизмаларининг яна бир нуқтасида булбулзабон Пўлкан шоир яшаб ўтган. У яратган асарлар халқ оғзаки ижодининг юксак намуналарига айланган. Урта бахшини, шоирни бирлаштирган Қўрғон достончилиги мактабининг доврўғи юртга таралган.

Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига кўп йиллар бўлди. Қанча сувар оқиб ўтди. Қанча давра даврадан кечди. Тўртинчи айтишимиз керак, кейинги йилларда достончиликка ҳам, бахшичиликка ҳам, умуман, халқ оғзаки ижодига эътибор ҳусайишга бўлди. Яхшиям бу ҳусайишга мамлакатимиз Президенти жиддий эътибор қаратган экан. Натижаси аён бўлди, давлатимиз раҳбари достончиликни, бахшичиликни ривожлантириш, халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатга имзо чекди. Бунинг сабаби маълум эди. Чунки ўзининг оғзаки ижодини, фольклорини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмасди. Негаки, халқнинг азали урф-одатлари, руҳияти, мероси, энг яхши аъёналари фольклорда намоён бўлади. Фольклорини билган халқнинг адабиёти ҳам буюк бўлади. Фольклор ҳар бир халқнинг туб томири, илдизи, тарихи, миллий бойлиги ҳисобланади. Президентимиз бахшичилик санъати халқаро анжуманини ўтказиш ҳақидаги қарориди ана шу масалаларнинг ҳаммасига эътиборни қаратди. Бугун Термизда ўтаётган анжуман нафақат туркий халқлар бахшиларини, оқинларини, балки дунё фольклори ижрочилари намоёндаларини бирлаштирди. Давлатимиз раҳбари бошлаб берган бу амалий иш халқаро миқёсда мамлакатимизда ҳам ўз самарасини беради. Нурота тоғлари бағрида жойлашган Қўрғон достончилиги, бахшичилик мактаби келгусида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбул-бул, Пўлкан шоирлар бошлаб берган улуг аъёналарни давом эттиради. Оқдан дарё оқмасдан қолмайди. Бунга ишончим комил.

Ўзбек маданий ёлгорликлари жаҳон халқлари томонидан ўрганишга муносиб

Давом.
Бошланиши 1-бетда

Азалдан дўсту елкадош бўлиб келган ўзбек ва тожик халқларини маданий кадриятлар ўзаро боғлаб туради. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар фаоллашиб, янги босқичга кўтарилгани халқларимизни мамнун этмоқда. Бугун ҳар икки халқ вакиллари янада қадрдон бўлиб, меҳмонга бормоқда, қувончли кунларини бирга ўтказмоқда.

Ўзбекистонда бўлганидек, Тожикистонда ҳам халқ оғзаки ижодини, қадимий термаларни севиб тингламайдиган одамни топиш қийин. Минг йиллик маданий ёлгорлик — “Алломиш” дostonи ҳар икки халқ учун қадрли. Шу жиҳатдан, Термизда ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали тожикистонликлар учун ҳам катта байрамдир. Тожикистондан фестивалга келган олти вакилнинг уч нафари бахшилардир. Улардан бири 93 ёшда бўлса, яна бири 76 да, энг кичиги 30 ёшда. Бундай тadbирлар халқларимизнинг муштарак маданий кадриятларини улуғлашда катта қадамдир.

Жан МУСИ, Швейцария ва Лихтенштейн хориж матбуоти асоциацияси президенти:

— Ўзбекистонни кўришни анчадан буюн орзу қилар эдим. Мамлакатингизда кейинги йилларда улкан ўзгаришлар бўлмоқда. Миллий ўзлигини англашга, умумбашарий маданиятнинг узвий қисми бўлган қадимий анъана ва урф-одатларни асраш ва ривожлантиришга қаратилган эътибор шулар жумласидандир.

Термизда ўтаётган бахшичилик фестивалига келиб, халқингиз ўзининг тарихий илдизлари бўлган фольклор санъатини келажак авлодларга беэавол етказишга нақадар интилишига гувоҳ бўлдик. Бу ерда дунёдаги турли миллат ва халқларнинг эпик санъати намуналарини тингламоқдамиз. Фестиваль бошқа миллат вакиллари ҳам ўз фольклор санъатини тарғиб этиш имконини бериши билан қоя аҳамиятлидир.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини катта хайрат билан кузатдик. Тарихий дostonлар мазмунини ва гоёси замонавий мусиқа билан уйғун ижро этилгани ўзбек санъатининг илдизлари нақадар тeрангитидан далолат. Шундай ноёб ва буюк санъатга эга халқингизнинг маданий ёлгорликлари жаҳон халқлари томонидан ўрганишга муносиб.

Лавити КУМАР, созанда (Сингапур):

— Жамоамиз билан бахшичилик фестивалида иштирок этиш учун келдик. Термиз аэропортидаёқ кўҳна ва навқирон Сурхон ўлкасининг қайноқ тафти сезилиб турибди. Фестиваль иштирокчилари ўзбекиона меҳмондўстлик рамзи бўлган нон-туз билан қутиб олингани барчани хушнуд қилди. Бағрикенг, очик чеҳра, самимий одамлар, айниқса, миллий либосдаги йигит-қизларнинг хуш каломидан қадим маданият бешигига келганимизни англадик.

Биз ижро этакдиган қўшиқлар кўҳна Шарқнинг фалсафий дунёсини ифода этади. Сингапурда ҳам миллий санъатимизни намойиш этишга фольклор санъати жуда қадрланади. Уйлаимизки, иштирокимиз тингловчиларга манзур бўлади.

Чжоу Янг МИНГ, журналист (Хитой):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Сизларда ҳам Хитойдаги сингари халқ оғзаки ижоди бир неча минг йиллик тарихга эга экан. Аждодларингиз халқ оғзаки ижоди орқали мардлик, олижаноблик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатларни қуйлаган. Шу жиҳатдан, бахшилар халқнинг булбули сифатида эъзозланган. Мен бу анъаналар бугун ҳам бардавом эканини кўрдим, жажжи болакайлар дўмбири чертиб, халқ дostonларини мароқ билан қўйлаётганига гувоҳ бўлдим. Уйлаиманки, бу ҳақда ёзганларим хитойлик мухлислар учун ҳам қизиқарли бўлади.

Мао ОТАЯК, ижрочи, мусикашунос (Сенегал):

— Ўзбекистонда бахшилар фестивали ўтказилиши ҳақида хабар топгани захоти биз ҳам бу ерда ўз миллий санъатимизни намойиш этишга қарор қилдик. Шундай аjoyиб юртга келганимдан хурсандман. Таассуротларим аjoyиб. Мазкур анжумани юқори савияда ўтказиш учун амалга оширилган бекиёс ишлар барча меҳмонларда катта мамнуният уйғотди.

Фестиваль танловида иштирок этиш билан бирга, Сурхон заминидидаги ноёб ёлгорликлар, диққатга сазовор жойлар, маҳаллий санъаткорлар, халқ оғзаки ижоди қирраларининг ранг-баранг дастурлари билан танишяпмиз. Кўҳна оҳангларга шинавандалигим боис, ўзбек халқи билан бирга бошқа миллат ва элат вакиллари куй-қўшиқларидан баҳра олаёлман.

Агус Сетаван БАСУНИ, «Warta Jazz» интернет наشري вакили (Индонезия):

— Тўғриси, бахшичилик санъати ҳақида шу пайтгача маълумотга эга эмас эдим. Уч ой муқаддам бир дўстим юртингиздаги мана шу фестиваль тўғрисида гапириб қолди. Шундан сўнг қизиқиб, интернетдан бу ҳақда етарли маълумот олдим. Фестивалда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтдим.

Халқингизнинг меҳмондўстлиги, қадимий анъаналари ва санъати менда катта таассурот қолдирди. Мен Жакарта шаҳрида ишлайман. Энди фаолиятимни бевосита Ўзбекистон билан боғламоқчиман. Юртингизнинг ўзига хос мафтункор қирраларини имкон даражасида тарғиб қилмоқчиман. Бизда ҳам дўмбирига ўхшаш мусиқа асбоблари бор. Ундан фақат рақсда фойдаланилади. Сизларда дўмбири жўрлигида айтилаётган қўшиқлар жуда қизиқ ва тингловчини беихтиёр ўзига мафтун этиб қўяр экан.

Айўшжав АЛИМАА, Мўғулистон Фанлар академияси Оғзаки адабиёт тадқиқоти институти раҳбари:

— Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияда “Мўғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари” мавзусида маъруза билан иштирок этдим. Биласизми, бизда ҳам сизлардагига ўхшаш эпослар бор. Лекин мен бу ерда халқ оғзаки ижодини асраб қолишга давлат даражасида жиддий эътибор берилётганига гувоҳ бўлдим.

Афсуски, ҳозирги ёш авлодда неғадир бу санъатга қизиқиш, хайрихоҳлик сусайиб қолган. Дostonчиликни ривожлантириш учун бу ерда бахшилар мактаби ташкил этилгани ҳам соҳани янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Эҳтимол, биз ҳам мамлакатимизда ёшларнинг қизиқишини ошириш учун шунга ўхшаш йўللари излашимиз керакдир. Бу фестиваль дунё халқларининг қадимий санъатини асраб қолишда ўзига хос мактаб вазифасини бажаради.

Дилфуза ЖҲРАЕВА, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида ўтказилаётган мазкур фестиваль ҳар бир хонадонга ўзгача шукҳ, ўзгача файз олиб кирди. Санъат саройи олдидидаги этнографик шаҳарча мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар билан гажвум. Улар дoston ва термаларни мароқ билан тинглаётгани, кўргазмаларни қизиқиб томоша қилаётганини кўриб, қувонасиз. Бу халқимизнинг қадимий санъатимиз ва миллий кадриятларимизга, бой тарихимизга ҳурматининг аққол намунасидир.

ЎЗА мухбирлари Матназар ЭЛМУРОДОВ, Холмўмин МАМАТРАЙМОВ ёзиб олди.

“Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фольклор санъати — инсониятнинг болалик қўшиғи

Қаландар НОРМАТОВ, бахши:

— Дунёда қанча халқ, қанча миллат бўлса, уларнинг барчасининг оғзаки ижод намуналари, оғиздан-оғизга ўтиб келган меҳрос асарлари ҳам мавжуд. Шундай экан, ўз навбатида, ана шу оғзаки ижод намуналарини қалбларига, хотираларига жойлаб, ёддан, қувваи ҳофизаси орқали аждодлардан авлодларга асраб-авайлаб етказиб келганлар ҳам бўлган. Албатта, ҳар бир халқ, миллат бундай шахсларни турли номлар билан атаганлар. Халқимиз эса бундай шахсларни бахши дея улуғлаган. Зеро, бахши сўзининг тўв неғизидида бахш этувчи, етказиб берувчи, бағишловчи деган маъно ҳам мужассамлашганки, бу ушбу соҳа вакиллари фаолиятининг асл мақсadini англайди.

Мамлакатимизда қадим-қадимдан бир нечта бахшичилик мактаблари шаклланган. Шулардан бири Хоразм бахшичилик мактаби ҳисобланади. Бу мактаб вакиллари кўп асрлар давомида “Тўғғли” “Авазхон”, “Бозиргон”, “Хирмондали”, “Юнусхон”, “Қунтуғмиш”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Тоҳир ва Зухра” каби юзлаб халқ дostonларини қуйлаб ўлмас меҳрос яратган. Бугун ана шу меҳрос халқнинг бебаҳо мулкига айланган. Президентимизнинг ҳар икки йилда бир марта “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори ва шу қарор асосида Термиз шаҳрида халқаро анжуманининг ўтказилаётгани бу қадимий санъатга жиддий эътиборнинг ифодаси бўлди.

Қарор туфайли, энг аввало, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган дostonлар, асарларни ўрганиш яна ҳам кучайтирилади. Фольклор намуналари бўлган, эътибордан четда қолиб келган тарихий дostonлар, термалар ёзиб олинади ва улар тадқиқ этилади. Иккинчидан, бу дostonлари, асарларни қуйлаган бахшилар, шоирлар, оқинларнинг номлари аниқланади. Эътибор беринг, Хоразмда олис ўтмишдан бошлаб шу пайтгача қанча бахшилар қуйлаб ўтганлар? Лекин уларнинг асариятининг номларини биламизми? Афсуски, бу саволга “ха” дея тўла жавоб беролмаймиз. Демак, бахшичилик санъатига эътибор заминидида ана шу санъат ривожига ҳисса қўшган аждодлари-

миз ҳаёти, фаолияти, санъатини илмий ўрганишга ҳам имконият яратилади. Учинчидан, бахшилардан ёзиб олинган оғзаки ижод намуналари бўлган дostonларни нашр этиш ишлари тезлашади. Тўртинчидан, бахшилар ижодига эътибор ошади. Айни пайтда, санъатга ёш бахшиларнинг кириб келиши учун кенг йўللар очилади.

Бахшичилик санъатида ниҳоятда муҳим бўлган устоз-шогирдлик анъанасига эътибор янада кучайтирилади. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бахшичилик санъатининг ривожланишига йўл очиб беради. Бешинчидан, ушбу фестивалнинг ўтказилиши бутун дунё фольклор асарлари ижрочиларини ўзаро бирлаштиришга, улар ўртасида ҳамкорликларни ўрнатишга хизмат қилади.

Маълумки, Хоразм бахшичилик мактаби ижро услуби жиҳатдан ўзига хос йўналишга эга. Унда бахши дoston ижросида ҳам матн ўқувчи муаллиф, ҳам созанда, ҳам гўянда сифатида намоён бўлади. Атрофидаги созандалар куй ижросида ҳамоҳанглик қиладилар. Юқоридидагилардан англашрилиб турибдики, бахши бу ўринда ҳам актёрга, ҳам хонандага айланади. Бахшичилик ана шундай иқтидорни талаб қилади. Тўғғи, Хоразм дostonларида матн ўзгаришлари, яъни, дostonларга бахшиларнинг қўшимчалар киритишлари, ўзгаришларни амалга оширишлари кўп бўлмайди. Лекин тайёр матни аввалги бахшилардан фарқи равишда ўзига хос оҳанг, ўзига хос овозда қуйлаб беришлари ва тингловчиларга еткази олишлари талаб этилади. Бахшиларнинг ўзаро мусобақа ва айтишувларида ана шуларга алоҳида эътибор қаратилади. Хоразмда халфачилик ҳам бахшичилик санъатининг бир тури саналади. Умуман, бахшилар, халфалар миллий меҳроснинг, халқ оғзаки ижодининг яратувчилари, жонқуярлари, давомчилари ҳисобланишади. Зеро, халқ оғзаки ижоди мангуликка дахлдор меҳрос ҳисобланади.

Мамлакатимизда бахшичилик санъатига эътиборнинг кучайтирилиши миллий кадриятларимизни, халқимизнинг маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Шавкат БОБОМУРОДОВ, фестиваль иштирокчиси:

— Аввало шуни мамнуният билан таъкидлашни истар эдимки, Сурхондарёда ўтаётган халқаро бахшилар фестивалида Самарқанднинг таниқли бахшилари қаторида иштирок этаётганимдан гоётада хурсандман. Фестиваль сабаб биз ижодкорлар халқ санъатининг асрлар оша барҳаёт бўлиб келаятган аjoyиб қирраларини яна бир қарра намоиш этиш, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат уйғотишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки бугунги глобаллашув шароитида, санъатлар ва маданиятлар чорраҳасидаги турфа фикрлар ва ёндашулар пайтида миллий санъатимизни, бутун бўй-баста билан намоён этишимиз миллий ўзлигимизни намоиш этишимиз билан баробар.

Шу боис мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтган йили Шахрисабзда халқаро мақом фестивали юқори савияда ўтказилган ва дунё санъатшуносларининг олқишига сазовор бўлган эди. Бугун эса Термиз шаҳрида халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтмоқдаки, анжуманининг тарбиявий, маърифий аҳамияти, янада юксак. Чунки ўзбек мусиқа санъатининг қадим илдизлари шошма-қомга, бахшилик ижодига бориб тақалади.

Нурободда туғилиб машҳур бахши Эргаш Жуманбулбул асос солган ўчмас санъат мактабининг анъаналарини давом эттириб келаятганимнинг ўзи мен учун катта бахт. Нуробод ўзининг бепоён қир-адирлари, покиза табияти, бағрикенг одамлари билан бахши-шоирларга туганмас илҳом бериб келган. Чўпонлар қирда, ям-яшил яйловларда қўй боқиб ризқ яратиб юришади. Мен ҳам ёшлигимдан сурув хайдаб, даштма-дашт кезаман. Она табият гўзалликларидан, касбимдан завқ олиб ижод қиламан. Табиатнинг гўзаллиги-ю куч-қудрати бахши-шоирнинг дилига кўчади. Бу мўъжизалар бағрида қадим тарихимиз, аждодларимиз излари бор. Дostonлардаги тасвирлар, қаҳрамонлар, қўшиқларнинг ҳар бир қалбга завқу сурур, маънавий куч бағишлай олиши шундан бўлса керак. Бахшичилик авлодларни буюк ўзлигимиз, миллий руҳиятимиз билан боғлаб, фарзандларимиз қалбига ана шу куч-қудратни осонгина сингдира олувчи бебаҳо санъатдир.

Шу кунгача 5 та шеърый, битта тарихий мавзудаги китобларим чоп этилган. Ҳассос ижодкор Тоғай Мурод айтганидек, ёлғиз одам асар излайди, ёлғиз одам асар яратади. Чўпонлик ёлғизликда юрадиган касб бўлгани учун мен ҳам илҳом излаб дил ашёрларимни топиб қуйга солганман. “Обод юрт”, “Сурхонда”, “Самарқандим”, “Бахши бобом”, “Ўзбекистоним” сингари термаларимни ушбу фестивалда ижро этиб тингловчиларга манзур эта олсам, ўзимни беҳад бахтиёр ҳис этардим.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусида икки кунлик халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Франция, Болгария, Россия, Жанубий Корея, Молдова, Туркия, Эрон каби давлатлардан келган фольклоршунос олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирокида бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг Шарқ ва Ғарб маданияти ва санъати ривожидидаги ўрнини янада ошириш, ўзбек ва бошқа халқлар дostonларини илмий ўрганиш, ўзаро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманининг иккинчи куни ҳам олимлар, мутахассисларнинг қизгин баҳс-мунозараларига бой бўлди. “Бахшичилик анъанаси тарихи, назарияси ва ижрочилик маҳорати”, “Эпос — халқ маънавий меҳросининг дурдонаси сифатида”, “Бахшичилик санъатининг ҳозирги ҳолати ва уни асраш муаммолари”, “Эпик

меҳрос этномусикашунослик контекстида” каби мавзуларда маърузалар тингланди. Но-моддий маданий меҳроснинг ҳаётимиздаги ўрни, халқларнинг миллий кадриятларини ривожлантириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусида атрофича фикр алмашилди. Ёшларни халқ оғзаки ижодидан йироқлаштираётган “оммавий маданият” гоёларига қарши таъсирчан чораларни қўллаш юзасидан тавсиялар билдирилди.

— Ўзбекистонда дostonчилик ва бахшичилик санъатининг бебаҳо бойлик сифатида қадрланаётгани ёш авлоднинг миллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади, — дейди Россиядаги “Мўғул халқлари маданияти” халқаро илмий маркази директори, филология фанлари доктори Василий Илларионов. — Мазкур



конференцияда бу жиҳат алоҳида эътироф этилди. Лекин бугун Россияда ҳам санъатнинг ушбу турига ёшларда қизиқиш юқори деб бўлмайди. Анжуманда ана шу масалада эътибор берилгани айни мудабо бўлди. Юртингизда ўтказилаётган бахшичилик

санъати фестивали соҳа мутахассисларини ўйлантираётган ана шу муаммоларга ечим топишга йўналтирилгани билан ҳам эътиборга сазовор.

Анжуман якунида шувба модераторларининг ҳисобот чиқишлари тингланди.

Қадимий санъатнинг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Янги нашрлар тақдироти ўтказилди.

ЎЗА

Уч-тўрт оилага битта газ баллон...


ЎЗ УЙИНГИЗДА ХАМ ШУНДАЙМИ, МУТАСАДДИЛАР?

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

Масалан, ушбу МФЙ ҳудудидаги ақсарият ички йўлларнинг ҳолати талабга жавоб бермайди. Асфальт қопламасининг каттагина қисми яроқсиз ҳолатда. Йўлларда ўнқир-чўнқир жойлар ва нотекистиклар ҳайдовчиларга, пиедаларга ноқулайлик туғдиришмоқда. Маҳалла ҳудудидаги ичимлик сув таъминоти тармоғи эскирган, уни янгилаш зарур. Бу ҳақда юқори ташкилотларга, жумладан, шаҳар ҳокимлигига йўлланган мурожаатлар ҳамон натижасиз қолмоқда. "Чинор" МФЙ раиси Мамаминхўжа Маматхўжаев, фаоллар Аҳад Абдуганиев ва Ғулсум Абдурахимова шу ҳақда фикр билдирдилар. Ш.Якубов бу масала юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови йўллашни маълум қилди.

Шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона жамоаси билан учрашувда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш ҳақида фикр алмашилди. Бундан бир йилча муқаддам бир гуруҳ беморлар депутат Ш.Якубовга гемодиализ бўлимида замонавий ускуналар етишмаслиги юзасидан мурожа-

ат қилган эдилар. Фракциямиз аъзосининг саъй-ҳаракати билан масала парламентда ҳам кўриб чиқилди. Натижада бошқа вилотларда ҳам тиббий хизматнинг



мазкур йўналишида етишмовчиликлар борлиги аниқланганди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари кўмағида вужудга келган вазиятни ўзгартиришга эришилди, бугунги кунда марказий шифохонанинг гемодиализ бўлими кўшимча ускуналар билан таъминланди.

"Гулбоғ" маҳалласида ўтган йили педагогика коллежининг собиқ ётоқхонаси тубдан реконструкция қилиниб, кам таъмин-

ланган 12 оилага тантанали равишда тухфа этилган эди. Хаммаси қиройидай ўтди, деган таассурот қолганди ўшанда.

Аммо вақт ўтиши билан пай-



до бўлган яна бир муаммога етарли эътибор қаратилмагани туфайли унинг ечимини ҳозиргача топиб бўлмади. Шаҳар ҳокимлигига қилинган мурожаатлар натижа бермади.

Таъкидлашчи, бу муаммо уйларга кўчиб қилинган сўнг бир ой ўтган бошланган. Яъни фуқаролар фойдаланилган электр қуввати учун ҳақ тўламоқчи бўлдилар. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳисоблагич ўрнатиш лозим

эди. Аммо электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари бу ишни амалга оширмаслигини айтишган. Нима ҳам дердик, расман улар ҳақ. Яъни фуқаролар яшаётган хонадонлар ўзларига тегишли эканлигини исботлайдиган ҳужжатларга эга эмасди, хонадонлар белгиланган тартибда кадастрдан ўтказилмаганди.

Кадастр ҳужжатларини тайёрлайдиган идорага мурожаат қилинганда, масала янада чигаллашди. У ердигилар бу уйлар эгаларига қайси асосда уларга берилганлигини кўрсатадиган ҳужжат талаб қилишди. Бу ҳам тўғри. Лекин ҳужжатнинг ўзи йўқ эди-да.

Нижоят, жорий йилнинг март ойида депутат Ш.Якубов партияимизнинг бир гуруҳ фаоллари, Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Абдуллаева ва бошқа мутасаддилар билан муаммони жойига бориб ўрганди. Масалага бироз ойдинлик кирганди бўлди. Маълум бўлишича, педагогика коллежининг собиқ ётоқхонасини тубдан реконструкция қилишда масъул бўлган раҳбарлар бинони ўқув юртининг балансидан чиқариш кераклигини ўйлаб ҳам қўришмаган.

Калаванинг учу айнан мана шунда экан. Биринчи навбатда, ётоқхонани коллеж балансидан чиқариш лозим эди. Шундан кейин шаҳар ҳокимининг қурилиш ва реконструкцияни бошлаш ҳамда бундан қўзланган мақсадни аниқлаш қарори тайёрланиши лозим бўлди. Барча ишлар биттач квартиралар эгаларига яна бир қарор асосида тақсимлаб берилганда бундай ҳолат юзага келмас эди. Мутасаддиларнинг хатоси туфайли 12 оила коммунал тўловлар масаласини ҳал қила олмай сарсон бўлмоқда.

— Бу уйда яшовчи фуқаролар билан суҳбатлашдик. Улар давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатмалари асосида аҳолига шундай шароитлар яратилганлигидан мамнун эканлигини айтишди, — дейди Ш.Якубов. — Айни пайтда фуқаролар ўз вазифасини қўнғилдагидай бажармайдиган, одамларнинг мурожаатларини пилсанд қилимайдиган шаҳар ҳокимлигининг масъулиятсиз раҳбарлари ва ходимларидан норизо эканлигини ҳам яширмадилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари аралашуви билан муаммонинг ечимини топишга киришилди.



жорий этилиши маълум қилинди.

Ғаллаорол тумани "Болғали" қишлоғида яшовчи фуқаро Воҳид Шомуродов 1 гуруҳ ногирон эканлиги сабабли ногиронлик аравачасига муҳтожлигини айтиди. Яна бир фуқаро Эшпўлат Ахмиров ҳам маҳалла ҳудудида бўш турган бинода тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйиш ва шу орқали ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш бўйича мурожаат қилди.

"Мирзабўлоқ" ҚФЙ ҳудудида жойлашган 16-сонли МТМнинг санитар-гигиеник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги, озик-овқат маҳсулотларининг сифат даражаси паст эканлиги аниқланди. Шунингдек, МТМ жамоаси заруратдан келиб чиқиб, богча ёнидаги фойдаланилмаётган бинони МТМга қўйиб берилишида ёрдам сўрашди.

"Гулчамбар" ҚФЙда туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Бегзод Наимов иштирокда ўтказилган сайёр қабулда 200 нафар фуқаро қатнашди. Сайёр қабул давомида тоза ичимлик суви етишмаслиги, хонадонларини табиий газ билан таъминланганлик даражаси талабга жавоб бермаслиги, ички йўлларнинг ҳолати яхши эмаслиги, аҳоли бандлиги юзасидан мурожаатлар бўлди.

ҚАШҚАДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Пирматовнинг Нишон туманидаги "Самарқанд", "Пахтазор", "Байналмилал" маҳаллалари аҳли билан ўтказган мулоқотлари савол-жавобларга бой бўлди. Ж.Пирматов ушбу маҳаллаларда умргузаронлик қилаётган кам таъминланган оилалар ва ногиронлар ҳолидан ҳам хабар олди. Эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳомиёлар кўмағида моддий ёрдам уюштирилди.

"Самарқанд" маҳалласида яшовчи 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро Марғиёна Маҳмудовага Тошкент шаҳридаги шифохонада даволашни учун депутат ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмаси томонидан йўлланма берилди.

Депутат "Самарқанд" маҳалласидаги қишлоқ врачлик пунктида беморлар билан суҳбатлашди.

— Даволаш муассасамиз 2002 йилда таъмирланган, — деди мазкур ҚВП бош шифокори Баҳром Турсунов. — Муассасамиз биноси таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Зарур компьютер жиҳозлари йўқ. Тоза ичимлик суви муаммолигига қолмоқда. Сув йўқлиги туфайли ободонлаштириш ишлари ҳам ўлда-ҳўлда қолиб кетаётди. Депутат қишлоқ врачлик пунктисидagi муаммолар ечимини топишда ёрдам беришга ваъда қилди.



Ж.Пирматов тумандаги 1-мактабга таълим муассасаси фаолияти билан танишганда болаларни богчага қамраб олиш яхши йўлга қўйилганлиги, бироқ богча ошхонаси ва умуман, муассасанинг моддий-техник базаси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аён бўлди.

Шунингдек, Жамшид Пирматов Нишон туманидаги 1-умумтаълим мактаби кутубхонасига турли бадий адабиётлар совға қилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдугани Умиров Деҳқонбод туманидаги "Шўргўзар" қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганди. Аниқлашчи, ҚВПда иситиш тизими ишласлиги туфайли беморларни даволашда жиддий муаммолар юзага келмоқда. Абдугани Умиров тумандаги ўзи таълим олган 12-умумтаълим мактабидида ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Муаллимлар мактабда шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар қилинганлиги, аммо муаммолар ҳам йўқ эмаслигини айтишди. Педагог Бойпўлат Қаҳҳоровнинг айтишича, 3-8-синф ўқувчилари учун ҳамон дарсликлар етишмайди. Бундан ташқари, мактабда ўқитиш учун 250 ўринли қўшимча бинога эҳтиёж бор. Синфхоналардаги иситиш тизими ишлайди, спорт зали таъмирталаб.

А.Умиров таълим масканига китоблар тўплами совға қилди.

Депутатлар қайд этилган муаммолар юзасидан аниқ ишлар қилинишни таъкидладилар.

Сурхондарё. Денов ва Сарисий туманларида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Даврон Тангиров бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзолари сайловчилар билан учрашди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Сарисий туманидаги 18-, 10-, 19-сонли мактабга таълим муассасаларида ходимлар билан суҳбатлашди. Жумладан, 19-сонли МТМ биноси капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланди. 90 ўринга мўлжалланган ушбу богчада айни пайтда 120 нафар бола тарбияланмоқда. Ўрганишлар давомида муассасада газ плита етишмаслиги ҳам маълум бўлди. 18-МТМ 140 ўринли бўлиб, айни кунда 180 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. Богчанинг тиббиёт хонасида



дори-дармонлар етишмайди. Фақат 10 турдаги дорилар мавжуд. Янги газ плитасига эҳтиёж бор. 10-сонли МТМда ҳам тиббиёт хонасида тиббий анжомлар ва мебель жиҳозлари етишмайди.

Денов туманидаги "Водий" МФЙда яшовчи аҳоли билан ўтказилган мулоқот чоғида фуқаролар

маҳаллада канализация тизими яхши ишласлиги, айниқса, маҳалладаги кўп қаватли уйлардан чиқадиган оқава сувлар тармоғини шаҳар марказий канализациясига улаш таклифини билдиришди. "Водий" МФЙ ҳудудида мактаб йўқлиги боис ўқувчилар олис масофадаги мактабларга бориб ўқиётганлиги, маҳаллада 540 ўринли янги мактаб қуриш зарурлиги тўғрисида ҳам мурожаат қилишди.

Тумандаги "Оловуддин" МФЙда аҳоли учун ичимлик суви таъминоти муаммо бўлаётгани, артезиан қудуқлари қазिश зарурли-

ги қайд этилди. Шунингдек, маҳаллада богча йўқлигига ҳам ишчи гуруҳнинг эътибори қаратилди. Парламентнинг қури палатаси депутати Ёрмамат Холиёров бошчилигидаги ишчи гуруҳ Шўрчи туманидаги "Бахшитапа" МФЙда бўлиб, фуқаролар билан учрашув ўтказди.

Маҳалла аҳли томорқа эканлигини сугоритиш масаласида сув танқис бўлаётганини, сув чиқариш насослари носозлиги, уларни таъмирлашга маблағ зарурлигини айтиб, кўмак сўрашди. Қўчалардаги электр симёғочлар яроқсизлиги, уларни алмаштириш зарурлиги, маҳаллада бир хонадонга битта газ баллон берилиши, ваҳоланки, баъзи хонадонларда 3-4 оила яшаётганлиги туфайли газ

баллони етарли эмаслигидан шикоят қилишди. Маҳалла ҳудудида қўйилган "Тоза ҳудуд" чиқинди қутилари ўз вақтида олиб кетилмаётганлиги сабабли ҳар хил ҳашаротлар қўлайиб бораётгани ҳам аҳолини безовта қилмоқда. Депутат туман "Тоза ҳудуд" қорхонаси мутасаддилари билан бошлангач, муаммо жойида ҳал этилиб, ахлат қутилари вақтида олиб кетиладиган бўлди. Фуқаро Абдулла Бегимқулов оёқ бўғинлари касаллигига чалинган сабабли малакали шифохоналарда даволашни учун ордер зарурлигини баён этди.

Шунингдек, Ё.Холиёров тумандаги 3-умумтаълим мактаби кутубхонасига бадий китоблар тўплами тақдим қилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова Қўбрай тумани "Қизил шалола" ҚФЙ ҳудудида жойлашган 27-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Мазкур муассасада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, муассасада тиббий жиҳозлар етарли эмаслиги, ЭКГ, электрофарез, тубус, УЗИ аппаратлари эскирганлиги, шунингдек, умумий амалиёт шифокори зарурлиги аниқланди.

Л.Кошелапова қайд этилган муаммолар бўйича мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови киритишни билдирди.

Яна бир муаммо, "Зафаробод" МФЙдаги битта бинонинг ярмида 48-умумтаълим мактаби, иккинчи қисмида эса Тадбиркорлик касб-хунар коллежи жойлашганлиги, хоналарнинг торлиги мактабда таълим-тарбия олаётган 400 нафар ўқувчига ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Мазкур бино 1982 йилда мактаб учун мўлжаллаб қурилган. Ҳозирда унинг 48-умумтаълим мактаби жойлашган қисми ачинарли ҳолатда, деворларда ёриқлар пайдо бўлган, поллар чириган. Қишда совуқ, синф анжомлари эски, бир сўз билан айтганда, бино авария ҳолатида. Бинонинг ярим қисми 2006 йилда Тадбиркорлик касб-хунар коллежи тасарруфига ўтган ва шу қисми капитал ремонтдан чиқарилган. Коллежнинг шинам синфхоналари ва жиҳозлари кўзни қувонтиради. 10-11 синфлар очилгач, мактабда ўқувчилар сонини ошди ва синфхоналар етишмаяпти. Коллежнинг бўш хоналари қўлланганча эгасиз турибди. Бўш хоналар коллеж балансида эканлиги уларни мактабга ажратишга имкон бермаяпти.



Мактаб педагоглар жамоаси бинонинг қайтадан қуриш зарурлигини айтиб, депутатдан амалий ёрдам сўрашди. Депутатимиз мазкур масала юзасидан тегишли вазирликларга депутатлик сўрови киритиш орқали ечим топишга ваъда қилди.

Шу маҳаллада жойлашган 46-сонли "Камалак" мактабга таълим муассасаси 140 ўринга мўлжалланган, ҳозирда бу масканда 202 нафар бола тарбияланмоқда. Муассасада шарт-шароитлар яхши. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминланган. Ўрганишлар давомида богча ходимлари мева-сабзавот омборида сифатли вентиляция тизими ҳамда ҳаво совутигичлари мавжуд эмаслигини айтишди. Депутат мазкур масала ҳал этилишида ёрдам берадиган бўлди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улугбек Саматов

Шайхонтоҳур туманидаги бир қатор мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалари ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказларида педагоглар, ишчи-хизматчилар билан мулоқот қилди. Ўрганишлар "Оқилон", "Қўча дарвоза", "Катта Оқтепа", "Маннон Уйғур" маҳаллаларида бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида мактабга таълим муассасаларида болалар сонининг меъёри, кадрлар масаласи, мактабларнинг дарсликлар билан таъминланганлиги, тиббий хизмат, моддий-техник базаси ҳолатида алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, оилавий поликлиникаларда мутахассис кадрлар таъминоти, стоматология хизмат, тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифати, ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ҳолатлари кўздан кечирилди.

"Оқилон" маҳалласининг "Раҳмат Файзий" кўчасида бунёд этилган сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, новвойхонанинг ханузгача ишга тушмаётгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мазкур хизмат кўрсатиш шохобчасининг кадастр ҳужжатлари тегишли ташкилотлар томонидан бугунги кунгача расмийлаштирилмаётгани ажабланарли ҳол. Ахир бу ерда аҳоли қўшимча иш жойига эга бўлади.

"Катта Оқтепа" маҳалласида ҳам айрим муаммолар ўртага



ташланди. Ҳудуддаги "Фотимаи Заҳро" жоме масжиди учун авто-турароҳ ташкил этиш, "Мажлисий" кўчасидаги 118-ўй олдидagi пиедалар йўлакчасини таъмирлашда ёрдам сўраб, маҳалла раиси С.Умаров томонидан ташкилотларга қайта-қайта қилинган мурожаатлар жавобсиз қолмоқда.

"Оқилон" маҳалласининг "Қўча дарвоза", "Маннон Уйғур" маҳалласининг "Нурфайз", "Улуғбек" кўчаларидаги, "Қўча" маҳалласида 71-, 111-сонли мактабга таълим муассасаси олдидagi ҳамда "Аҳил", "Қўрғонча" кўчаларида ички йўлларни, "Қўча дарвоза" маҳалласининг "Қўча тор" кўчасида пиедалар йўлагини таъмирлаш лозимлиги аён бўлди. "Маннон Уйғур" маҳалласи электр энергияси таъминоти яхшилаш, 71-, 111-сонли МТМ, 192-умумтаълим мактаби олдидagi кўчаларга свeтaфop ўрнатиш, пиедалар чизиги чизиш зарурлиги тилга олинди.

Депутат У.Саматов ҳудуддаги 273-умумтаълим мактабида ёшлар билан учрашди ҳамда мактаб кутубхонасига китоблар тақдим этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, фракция аъзолари юзма-юз мулоқотларда ўртага ташланган барча масалалар бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар қўришга киришдилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий кенгашлари матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

Ислохотларда фаол иштирок этиш —

СЕМИНАР

“Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойиллар мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ўрни қандай? Партиялар ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши учун “адолатчи”лар нимага эътибор бериши лозим?

АНДИЖОН вилоятида ўтказилган “Ислохотларда фаол иштирок этиш — асосий мақсадимиз” мавзусидаги семинарда ушбу мавзуда сўз юритилди. Унда “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия экспертлари, фаоллар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров “Мақсадимиз — ислохотларда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг фаол иштирокини таъминлаш” мавзусида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, партия Сайловолди дастури ҳамда давлат дастурларида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, электрат ва аҳолининг кенг қатлами билан йўлга қўйилган самарали механизмлар асосида жойларда аҳоли билан очик мулоқотлар олиб боришмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, илм-фан, таълим-тарбия ва суд-ҳуқуқ соҳаларига эътибор қаратилиб, ушбу йўналишларда амалий ишлар қилинган. Бу савий-ҳаракатлар фуқароларнинг манфаатларини рўйбга чиқариш билан бирга бизни кўллаб-қувватловчилар сони кўпайишига хизмат қилмоқда.

— Дастурий мақсадларимизга

эришиш ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашда замонавий PR технологиялардан фойдаланиш ютуқлар гарови демакдир, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов. — Бугунги тезкор даврда ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказишда мажлисбозликдан қочиш лозим. Тан олиб айтиш керак, ҳамон катта залларда 100-150 дан ортиқ иштирокчи билан учрашувлар ўтказишдан воз кеча олганимиз йўқ. Бундай аудитория билан яқин алоқа ўрнатиш ва мақсадли мулоқот қилишга эришиш қийин. Шу сабаб, аҳоли билан мулоқотларда замонавий шакллardan фойдаланиш вақти келди.

— Тарғибот тадбирлари ўймау кириб ўтказилаётгани, фуқаролар қабулига эътибор кучайганлиги, йўлга қўйилган сайёр қабуллар ўз самарасини бермоқда, — дейди халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Зухра-хон Комилова. — Семинарда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, жамоатчилик орасига янада чуқурроқ кириб боришни ўз олдимизга вазифа қилиб олдик.

ФАРҒОНА. Бугунги ислохотларда фаол иштирок этиш юрт тақдирига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир фуқародан юксак



ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг талаб этмоқда. Фарғона вилоятида ташкил этилган семинарда жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда партиянинг миз олдида турган энг муҳим ва долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Қайд этилганидек, бошқа сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир кенг қўламли ишларда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгилаб берилган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини ислоҳ қилишга доир вазифалар ижросини таъминлашда ташаббус ва фаоллик кўрсатмоқда. Семинарда Ўзбекистон “Адо-

лат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров бу борада партия томонидан олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки инсон ўз ҳуқуқи ва бурчини яхши билса, уларни амалда қўлай олади. Бу эса муаммоларга адолатли ечим топишда муҳим ўрин тутди.

— Партияларнинг дастурий мақсадларини таҳлил этиш, улар фаолиятига муносабат билдириш жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ. Фуқароларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий савиясини ошириш йўлида қабул қилинаётган янгидан-янги қонун ҳужжатлари шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда, — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Комила Исроилова. — Семинар давомида иштирокчилар ҳам сайловолди жараёнларда ўзлари дуч келиши

мумкин бўлган долзарб аҳамиятга эга масалалар юзасидан зарур маълумотларга эга бўлишди.

— Белгиланган қонун-қоидалардан, ҳуқуқий нормалардан бе-хабарлик, ҳатто ўзаро муомала қоидаларни билмаганлик оқибатида маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳатто, жиноят билан якунига етаётган ҳолатлар учраб турибди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директори ўринбосари Аҳаджон Саломов. — Бу эса шундай ҳолатларда адолат тамойилларининг бузилишига олиб келади. Шу боис жойларда таъсирчан тарғибот тадбирлари ўтказиш аниқ мудоаодир.

Семинар доирасида иштирокчилар “Партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда пиар технологиялардан фойдаланиш” ҳамда “Халқ билан бевосита мулоқот қилиш: ижобий таъриба ва муаммолар” мавзусларидаги маърузаларни тинглаб, ўзаро фикр алмашдилар.

НАМАНҒАН. “Сайлов кодекси: демократик янгиланиш ва замонавий ёндашув” мавзусида Наманган шаҳрида ташкил этилган семинарда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари ва ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, БПТ раислари, партия фаоллари, ОАВ вакиллари қатнашди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг “Сайлов жараёнида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг долзарб ва устувор вазифалари тўғрисида”ги маърузасини қизиқиш билан тингладилар. Н.Умаров Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг асосий жиҳатлари хусусида сўз юритди. Таъкидланганидек, бун-гача амалда бўлган қатор қонунларда сайлов қонунчилигининг айрим нормалари ҳозирги замон талабларига ва сайловларни демократик тарзда ўтказиш бўйича халқаро амалиётга тўла мос келмас эди. Қонунларда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш назарда тутилмагани, шунингдек, алоҳида ҳолларда сайлов бюллетени ўрнига сайлов варақаларидан фойдаланилиши амалиёти яширин овоз бериш тамойилига мос келмайдиган.

Энди эса бу каби ҳолатларга барҳам берилади. Сайлов кодекси давлат ҳокимиятини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади.

Н.Умаров шу йил охирида мамлакатимиз парламентига ва халқ таъин қилинган сайловчиларга

депутатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

— Барча ҳудудий партия ташкилотлари бу борадаги ишларни режалаш асосида, собитқадамлик билан олиб боришлари талаб этилади, — деди Н.Умаров. — Бунинг учун захирадаги кадрлар билан ишлашни тизимли равишда ташкил этиш зарур. Уларни партия ташкилотлари ўтказадиган тадбирларга кенг жалб қилиш, сайловолди дастурини рўйбга чиқаришдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

— Ҳозирда барча сиёсий партияларда бўлажак сайловларга ҳозирлик бошлаб юборилган, — дейди партия фаоли, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Акрамова. — Бу жараёнлар самарали кечиши учун барча имкониятларни ишга солиш керак. Биринчи навбатда, партия кенгашларининг ходимлари, фаоллар, депутатлар жонбозлик кўрсатишлари даркор. Шундагина сайловларда ўтган галги натижаларни яхшилашга эришилади.

Қизиқарли ва фойдали маълумотларга бой тарзда ўтган семинарларда водийлик фаол депутатлар халқ билан мулоқот қилишда тўплаган тажрибалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Шунингдек, мутасадди давлат идоралари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Шу билан бирга, иштирокчиларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб берилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Матбуот хизмати

ДЕПУТУТ СЌРОВИ — ХАЛҚ СЌРОВИ

Кейинги икки йилда фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиш, жойларда сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш, аниқланган камчиликлар юзасидан масъул мутасаддиларга депутатлик сўрови орқали мурожаат қилиб, ижобий ечим топиш депутатларнинг қундалик иш фаолиятига айланди. Ўзбекистон “Адолат” СДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ҳам “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши лозим” тамойили амалда қарор топишини таъминлашга ҳисса қўишни мақсад қилган.


Ўтган давр мобайнида Навоий вилоятида партия депутатлари томонидан муаммоларнинг ечими юзасидан корхона ва ташкилотларга юборилаётган депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинар экан, халқ депутатлари Учқудук тумани Кенгаши депутати Севдиёр Сайфиддиновнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарали бўлиши билан бирга, бир қатор сўровлардаги масалалар ҳамон очик қолаётганини кўриш мумкин.

Партия депутати томонидан аҳоли мурожаати асосан ўрганишларда Учқудук туманидаги маҳаллаларнинг ички йўллари, хусусан, “Навоий” МФИдаги “Халқлар дўстлиги” кўчасининг 7-умумтаълим мактаби олдидаги ўтувчи қисми ва таълим масканига кириш йўлидаги ички йўлга тузатиш кетган майдончада куз-қиш ва баҳор мавсумида ёнгингарчилик оқибатида юзга келаётган ноқулайликлар аниқланди.


Мазкур мактабда ишлайдиган сафдошларимиз шу ҳақда хабар қилгач, ушбу ички йўлга туташган, мактабга кириш қисмидаги майдонни таъмирлашда ёрдам бериш мақсадида 2018 йил 28 май кунини Учқудук туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғига, 2018 йил 23 июль кунини Учқудук туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ф.Хасановга, 2018 йил 20 апрелда Навоий кон-металлургия комби-

нати Шимолий кон бошқармаси директори Ю.П.Золотарёв ҳамда ушбу бошқарманинг уй-жой коммунал хўжалиги бошлиғи Ш.Эшмуродовга депутатлик сўровлари юборилди.

Жумладан, депутатлик сўровига Учқудук туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи О.Хикматов 2018 йил-

Учқудук:
ички йўлнинг эгаси
йўқми?

нинг 6 июнида йўллаган жавобид мазкур кириш йўлига корхона балансида эмаслиги маълум қилинган бўлса, Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси директори Ю.П.Золотарёвнинг 2018 йил 3 майда йўллаган жа-



вобид мазкур муаммолар 2018 йил учун мўлжалланган “Йўл харитаси”га киритилиб, шунга мувофиқ таъмирлаб берилиши маълум қилинган. Аммо 2018 йил туғул 2019 йилнинг биринчи чораги якунланса ҳам, ички йўл ва майдонча бўйи-

ча бирор-бир ўзгариш бўлмаган йўқ.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Севдиёр Сайфиддинов йўллаган депутатлик сўровларига мансабдор шахсларнинг юзаки муносабати натижасида аҳоли ва ўқув-

чиларни қийнаб келаётган муаммо ҳамон ўз ечимини топмасдан қолмоқда.

Шу ўрида бир савол туғилади. Бугунги “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши лозим” тамойили асосида иш олиб борилаётган бир вақтда ўртага ташланган муаммони ўзига тааллуқли бўлмаса-да, масъул ташкилотларга йўналтирилган тарзда ижобий ҳал этиш ўрнига муаммони ўзидан соқит қилиш мазкур идораларнинг халқимизга қилаётган хизматини ифодалайдими?

Хулоса ўрнида айтганда, бугун ҳар бир мутасадди мурожаатларга ўз вақтида жавоб қайтариши, энг муҳими, муаммонинг амалий ечимини топиши устувор вазифадир.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Навоий вилоят кенгаши
матбуот котиби

“Бир ойда
бир иш ўрни”
лойиҳаси амалда

БАНДЛИК

Юртимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ёш оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ҳам шу мақсадда бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди.

Жумладан, партияимизнинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида шаҳар ва туманларда партия фаолларининг ташаббуси билан доимий иш ўрнига эга бўлмаган ёшларни ишга жойлаштиришга кўмак берилмоқда.

Халқ депутатлари Қораўзак туман Кенгаши депутати А.Гулиметов “Маданият” ОФИда истиқомат қилувчи, кам таъминланган фуқаро Гулайим Байсейитованинг иш билан таъминлинишига ёрдам кўрсатди. Депутат туман бандликка кўмаклашиш маркази билан иш олиб борди ва Г.Байсейитова тумандаги 9-умумтаълим мактабига ишга жойлаштирилди.

— Анчадан буён ишга жойлаша олмагандим. Партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси ҳақида эшитиб, фаолларга мурожаат қилдим. “Адолат” партияси депутатларидан миннатдорман. Чунки меҳнатим орқали ўз ризқ-насибамни топиш ва оиламга даромад олиб кириш имконига эга бўлдим, — дейди Гулайим Байсейитова.

Мазкур йўналишда Кўнгирот туман партия кенгаши фаоллари ҳам ижобий натижага эришмоқда. Туман партия кенгашининг ишчи гуруҳи “Гулабад” МФИда ўтказган мулоқот чоғида “К.Абдилов” кўчасидаги хонадонда яшовчи фуқаро М.Умирбоева бандлик юзасидан амалий ёрдам сўради. Унинг мурожаати асосида А.Атабаев туман бандликка кўмаклашиш марказига депутатлик сўрови киритди. Марказда М.Умирбоевага корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари таништирилди. Айни пайтда фуқаро М.Умирбоева 4-сонли туманлараро силга қарши курашиш шифохонасида меҳнат қилмоқда. Шунингдек, Қанлиқўл тумани “Наврўз” ОФИда яшовчи фуқаро Ирисбой Давденов партия депутатларининг аралашуви билан “Нукус-қурилиш-экспертиза” МЧЖга доимий равишда ишга жойлаштирилди.

“Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси ижроси юзасидан ишлар давом этмоқда.

Айшолпан ОРАЗИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши котиби

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

Соҳибқирон Амир Темури дунё тарихида муҳим ўрин тутган улуг сиймолардан бири ҳисобланади. У бир ярим аср давомида мўғуллар зулми остида эзилган халқларни, босқинлар натижасида вайронага айланган ўлкаларни озод қилиб, буюк бир мамлакатга асос солди. Бу мамлакатни обод қилди, уни адолат билан бошқарди. Қўл остидаги мулкларда илм-фанни ривожлантирди, ижтимоий ҳаётни яхшилади, санъат, маданият, адабиётнинг юксалишига йўл очиб берди. Жаҳон фани темурийлар даври илми ва маданияти билан бойиди. Шу сабабли нафақат Марказий Осиё муаррихлари, балки Шарқ ва Европа, дунё тарихчилари, ижодкорлари у ҳақда кўплаб тарихий, бадиий асарлар яратдилар. Улуг Соҳибқироннинг сиймосини, сийратини, ҳаётини, фаолиятини тўла акс эттиришга интилдилар.

Ана шундай асарлардан бири Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темури тарихида тақдир аjoyиботлари”) деб аталади. Асарда Соҳибқирон қиёфаси, қилган ишлари ёрқин ифодаланган. Улуг аждодимиз Амир Темури таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан ушбу асардан бир парчани атоқли шарқшунос олим Убайдулла Уватов таржимасида газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.



Ибн Арабшоҳ

Амир Темури тарихи

Темури баланд қадли, узун бўйли, тик қомадли, гўё у қадимий пахлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, аjoyиб бўлаikli, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, бугдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомади камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги биланмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан кўрқмас, изтиробсиз, вазимин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазаҳ ва ёлғонни ёқтирмас, ўйинга юнгли хушликка майлис, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; “у (бўлиб) ўтган ишга азият чекмас” ва ўзига ҳосил бўладиган (ютук) дан шодланмас эди.

Темури тамғасининг нақши “рости расти” бўлиб, бу “ҳақгўй бўлсанг, наҳот топасан” демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангау тиллоларига зарб бериладиган (асосий) белги уч ҳалқада иборат эди. Унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳақиқа) ҳақорат гаплар бўлмасди. Темури кўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итотат қилдирувчан бўлиб, жасоратли (киши)ларни, доворак ва мардларни ёқтирар эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қўлларини очиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар

зарбалари билан баланд тоғлар чўққиларини вайрон қиларди. У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, аjoyиб, фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улугворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) қулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди.

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириб билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги, тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги, тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги, тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги, тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди.

Агар у бирон нарсани амр қилса ёки бир нарсага ишорат қилса, у ундан асло қайтмасди ёки у бирон нарсага қасдланса, беқарорлик, енгилтаклик ва суқашликка мансуб бўлмасдики унинг ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди.

Унинг лақабларини қўшганларида Темури етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зоғ), подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атардилар.

Темури олимларга меҳрибон

бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз иқрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди. Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, кўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди.

Темури ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У табиятан масҳарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни (ўзига) яқин тутиб, уларнинг гапларига эътибор қилар ва сўзларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у мутассил шатранж ўйнардди.

Темури тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлган анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо — сафарда ҳам, ҳадарда ҳам — ўқитиб, қўл билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, улар нағмаларининг унинг қўлоғига муттасил қилиниши натижасида Темури (ҳикоя)лар жиловини қўлига олган эди. Бу шу даражага бориб

етгандики, агар ўқийдиган киши бирор хатога йўл қўйса, Темури унинг хатосини тузатиб, савобдаги газалхонлик қўйчиларининг, ҳузурдаги севгилиларини (никоҳидаги) пок хонимларининг ва булардан бошқа унинг бир-бирига ўхшаб уланиб кетган, бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар суратларини тасвирлатди. Булар ҳаммаси бир ноқиссиз ва зиё-дасиз, қай тарзда юз берган бўлса, шундайлигича акс эттирилди. Темурининг бундан мақсади ўзининг ишларидан ғойибона хабардор қилиш, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди.

Агар Темури бирор томонга отланиб, Самарқанд (унинг) қўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга қараб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва аjoyиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осийштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баробар (текин) эди. Чунки мевалардан бир қинторти ҳам арзимаган баҳога бўлса-да сотилмасди. Шунингдек, Темури Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар қелинчақлари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Султони, Шероз каби азим ва марказий шаҳарлар номи билан атади.

Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда: бирида қулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўзи қилган жанглари тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларини; подшоҳлар, амирлар саййидлар, уламолар ва улуглар билан суҳбат қурган мажлисларини; султонларнинг унинг ҳузурда қўл қовуштириб туришларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан ҳузурга келган подшоҳу султонларнинг вакилларини, ўзининг ов ҳалқаларию яширин сайдларини, Ҳинд, Дашт (қипчоқ) ва Ажам жангларида ўз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда енгилиб қочганини; ўз авлодлари, набиралари, амирлари, қўшинлари суратларини; айшу ишрат маж-



Еврокомиссия фикрича, BMW, Daimler ва VW 2006 йилдан 2014 йилгача бензин ва дизел двигателларида чиқадиган газларни тозалаш технологияси ривожлантиришдаги рақобатни чеклаш учун ҳамкорлик қилишган. Компаниялар техник стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш орқали Евроиттифоқнинг монополияга қарши қўнунчилигини бузишган. Германиянинг BMW, Daimler ва Volkswagen автоконцернларини Европа бозоридида автомобиллардан зарарли моддалар ажралиб чиқишини камайтирадиган технологиялар ривожланиши ва жорий этилишини чегаралаш мақсадида картел қилишуви тузганлиқда айблади. Сурштирув якуни компанияларни йирик жарималарга олиб келиши мумкин.



Қирғизистонда турмуш қуриш мақсадида қизларни олиб қочиш учун жазо яна бир бор қўчайтирилди деб хабар беради “Интерфакс”. Энди қиз олиб қочувчилар 7 йилдан 10 йилгача қамқоқ жазосига ҳукм қилинишлари мумкин. Келин ўғирлаганлар нафақат қамалишади, балки 200 минг сом (3 минг доллардан ортироқ) жаримага ҳам тортиладилар.


Жуда кўп ҳолларда қизларнинг ота-оналари органларга мурожаат қилмайдилар ва ўзаро келишуви билан масала бости-бости қилинади. Судга санқили ишларига етиб боради.

Сўнгги марта бундай ҳаракат учун жазо чоралари 2013 йилда қўчайтирилган. Ўшанда 5 йилдан 10 йилгача ҳукм қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган.




Хитойнинг “Худун Чжунхуа” кемаасозлик компанияси ва Норвегиянинг сертификацияловчи жамияти DNV GL суўлтирилган табиий газ ташувчи дунёдаги энг катта танкерга айланадиган кемани биргалиқда қуриш ҳақида келишувни имзолади. Келишув Шанхайда ўтаётган суўлтирилган табиий газ (СТГ) бўйича 19-халқаро анжуман ва кўргазма LNG 2019 доирасида имзоланган. Ушбу лойиҳа бўйича 2020 йил охиригача техник ҳужжат тайёр бўлиши керак. Танкер 270 минг кубметр СТГ ташиши мўлжалланмоқда.

Айни вақтда СТГни ташиш учун мўлжалланган дунёдаги энг катта танкер Қатарга тегишли Mozan кемаси ҳисобланади. У 266 минг кубметр СТГ таший олади.



Мисрнинг сайёҳлик бўйича расмийлари Қизил денгиздаги дам олиш ҳудудлари — Хургада ва Марса Алам дам олиш масканларида экологик таъқиқ жорий қилди. Россия Сайёҳлик операторлари ташиқоти шу ҳақда маълум қилди. Унга кўра, 1 июндан бошлаб бу масканларда пластик идишлардан фойдаланиш тақиқланади.

Таъқидланишича, мисрликларнинг йилига 12 миллиард пластик пакетлардан фойдаланиб келаётгани Нил дарёси ва унинг соҳилларида турли экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.



Oasis of the Seas деб аталувчи круиз лайнерига Багам оролларида таъмирлаш вақтида шикаст етди, деб хабар беради Florida Today нашри. Узунлиги 360 метрни ташқил қилувчи ҳашаматли кема устига кран тушиб кетган. Айни вақтда зийн қиймати кемаасозлик ва суғурта компаниялари томонидан баҳоланмоқда. Royal Caribbean компанияси кема апрель охиригача таъмирлашда қолишини тасдиқлаган. Oasis of the Seas қурилган вақтда энг катта лайнер ҳисобланган. Унинг бортига 7 минг киши сиғади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистлари қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгилик ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида “Олтин қалам” XIV миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган бу танловга 2018 йилнинг 31 мартдан 2019 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2019 йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланади.

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР:

Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал;
Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун;

Энг яхши фоторепортаж;
Энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеомаerialлар (CD, DVD дискаида) 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиозашиттиришлар (CD, DVD дискаида) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар

илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2019 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни тантанали равишда ўтказилади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига” деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: (71) 244-64-61; 244-37-87

www.Journalist.uz

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Оқчаҳонқалъа деворларидаги лойдан ва алебастрдан ясалган меъморий нақшлар, безаклар ҳамда деворий ранг-тасвир асарлар илк бор 1999 йилда топилган эди. Археологлардан иборат қўшма экспедиция аъзолари ўша пайтда бундай ноёб топилмалар устида мукаммал даражада илмий иш олиб бориш имкониятига эга эмасди. Шунинг учун бу нодир ашёлар, топилмаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ишлари кейинга қолдирилди.

2005 йилга келиб мамлакатимиз олимлари сафига Ирландия, Франция, Швейцария, Россия ва бошқа давлатлардан илмий тадқиқотчилар қўшилганидан кейин бу археологик ёдгорлик тўла ўрганишга киришилди. Ўшанда иш ибодатхонанинг жанубий деворидаги суратларни очиш ва уларни таъмирлашдан бошланди. Деворий суратнинг ҳар бир қисмининг топилиши ўша пайт учун муҳим янгиллик бўлди. Негаки, бу деворий тасвирий санъат намуналари дунё миқёсида шу хилда топилган суратларнинг энг қадимийси бўлиб, олис ўтмиш бағрига қўмилган хоразмшоҳлар салтанати тарихининг номаълум қирраларини очиб беришга хизмат қиларди.

Ўша пайтда археологик экспедиция аъзолари 2006 йилда бинонинг шимолий қисмидаги йўлакнинг деворлари бўйлаб аввалгилардан ҳам муҳим бўлган ноёб кашфиётлар қутиб турганини билишмасди. Дастлаб бу ердаги деворлардан, археологлар кутганидек, тасвирий санъат асарлари топилмади. Кейинчалик йўлакнинг пастки қисмидан, йўлакка тўкилган лой ва алебастр қатламлари орасидан инсон қиёфаси акс эттирилган, турли ранглар билан ишланган кўплаб портретларнинг қолдиқлари чиқа бошлади. Дастлаб улар портретлар эканлиги маълум бўлмади. Алебастрга қоришиб ётган ранглардан иборат ҳолда топилади. Кўп йиллар давомида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида улар асл ҳолатидаги каби суратларга айланади. Бу суратларда инсонлар белигача акс эттирилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси тож кийган ҳолда тасвирланган. Портретлардаги баъзи одамларнинг тожи устида қўш сурати бўлса, айримларида бундай суратлар йўқ эди. Уларнинг бўйинларида эса бир неча ўрамлардан иборат тилла тақинчоқлар шодаси акс эттирилганди. Тилла тақинчоқлар шодасининг бош қисмида ҳам, охириги қисмида ҳам илон боши чизилган. Тарихий манбалардан маълумки, бошга кийилган тож ва унинг устидаги қўш сурати, шунингдек, бўйиндаги олтин шодали тақинчоқ — ҳаммаси ҳукмдорлик белгисини билдирган. Тилла шодали тақинчоқдаги илон бошлари ҳам салтанат қудратидан дарак берган. Портретлардаги инсон қиёфаларида яна бир ўзига хос ҳолат мавжуд. Уларнинг қўлоқлари, тожлари, лаблари қизил рангга бўялган. Булар ҳам портретларда тасвирланган инсонларнинг ўзига хос бир белгисини билдиради. Чунки қизил ранг қудрат тимсоли, кўп халқларда эса ҳосилдорлик ва давлат рамзи сифатида қабул қилинган. Суратлардаги инсонларнинг тожида қўшларнинг бор-йўқлиги ҳам маълум маъно англатган. Қўшли тож кийганлар шохлик, подшоҳлик мансабига эга бўлганлигини, қўшсиз тож кийганлар эса ҳукмдорлар оиласига мансублигини,

Охири. Бошланishi ўтган сонда.

Ўтмишнинг рангларда жололанган қиёфаси



лекин шохлик унвонига эришмаганини билдирган.

Археологлар бинонинг шимолий қисмидаги йўлакни "портретлар галереяси" деб атади. Илмий тадқиқотлар натижасида бу ердаги деворлардан бирининг 25 метрга яқин сатҳи тўла равишда иккита йўғон чизиклар билан тўртбурчак шаклида эни 45 сантиметр, бўйи 60 сантиметр ҳажмда бўлакларга бўлиниб чиқилганлиги аниқланди. Бундай ҳажмдаги бўлаклар деворда уч қатор бўлган. Ҳар бир бўлакда ҳукмдорлардан, салтанат эгаларидан бирининг сурати ўрин олган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу деворда 120 та сурат жойлашган бўлган. Уларнинг ҳаммасида акс эттирилган одамлар — салтанат эгалари ёш йигитлар ҳолида тасвирланган. Портретларнинг чизилиши, юз шакли ва рангларнинг ишлатилишида ниҳоятда ўхшашликлар бор. Шунга қарамай тасвирланган одамларнинг ҳар бирининг қиёфасида ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Улар турли шахсларнинг суратлари эканлиги аққол англашилди туради.

Шу ўринда бу деворий суратлар нега деворда эмас, ерда ётибди, деган савол туғилади. Эҳтимол, улар табиий офатлар, уруш ёки бузғунчиликлар натижасида девордан қўчиб тушгандир? Қадимшунослар бу саволларга ҳам жавоб топдилар. Суратлар деворлардан қўчириб ту-



ширилган. Агар уруш ёки табиий офат натижасида бу ҳолат юзага келганида деворлардаги суратларнинг баъзилари сақланиб қолган бўларди. Бу ерда эса барча суратлар девордан қўчириб туширилган. "Портретлар галереяси" деб аталган хонадаги барча буюмлар олиб чиқиб кетилган. Бирорта қимматбаҳо буюм ёки ашё қолдирилмаган. Нима сабабдан шундай воқеа рўй берган? Сабаби оддий. Давлат бошқарувида бир сулола ҳукмдорлиги барҳам топиб, иккинчи сулола ҳукмдорлиги бошланган. Натижада кейинги сулола ҳукмдорлари ўзидан олдинги сулола ҳукмдорларига мансуб барча нарсаларни, жумладан, деворий суратларни ҳам йўқ қилишга киришганлар.

Агар тарихга мурожаат қилинса, Оқчаҳонқалъа ибодатхонаси ёки саройида рўй берган бу воқеа сабаби ойдинлашади. Маълумки, эраизмдан олдинги II асрнинг охири ва I асрнинг бошларида бутун Ўрта Осиё ҳудудларида рўй берган урушлар оқибатида юзчиқлар давлат тепасига келадилар. Хоразмда ҳам ана шу ҳолат рўй беради. Натижада юзчиқларнинг давлат тепасига келган вақили хоразмшоҳларнинг II асргача давлат тепасида бўлган шоҳлари ҳаётига оид барча маълумотларни йўқ қилишга киришган. Деворлардаги хоразмшоҳлар ҳукмдорлари суратларнинг махсус қўчирилиб туширилиши сабаби ҳам ана шунда. Археологлар фикрича, ўша даврда бу "Портретлар галереяси" жойлашган хона ҳам, унинг девори ва йўлаги ҳам унутилган. Вақт ўтиши билан йўлакдаги девордан туширилган хоразмшоҳлар авлодларига мансуб суратлар устини қум босган ва баъзиларининг қолдиқлари тарих гувоҳлари сифатида бугунги кунгача етиб келган.

Оқчаҳонқалъадаги "Портретлар галереяси" масканидан ранг-тасвир суратлари билан биргаликда қадимги хоразм тилида ёзилган сўз намуналарининг топилиши ҳам археологларнинг катта ютуғи бўлди. Ёзув намуналари алебастр сувюқ устида гаройиб мўъжиза сифатида сақланиб қолган. Бу ёзув намуналаридан бири топилган пайтдаёқ у хоразмшоҳлар саройига мансуб бўлган ва портретлардан бирида акс эттирилган шахснинг қимлигини аниқлашга хизмат қиладиган сўз бўлса керак, деб таҳмин қилинган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Табиийки, бундай ёзув



барча суратлар — портретлар остида мавжуд бўлган. Мазкур сўзнинг нусхаси Санкт-Петербургга, таниқли қадимшунос олим, профессор В.А.Лившицага оид барча маълумотларни йўқ қилишга киришган. Деворлардаги хоразмшоҳлар ҳукмдорлари суратларнинг махсус қўчирилиб туширилиши сабаби ҳам ана шунда. Археологлар фикрича, ўша даврда бу "Портретлар галереяси" жойлашган хона ҳам, унинг девори ва йўлаги ҳам унутилган. Вақт ўтиши билан йўлакдаги девордан туширилган хоразмшоҳлар авлодларига мансуб суратлар устини қум босган ва баъзиларининг қолдиқлари тарих гувоҳлари сифатида бугунги кунгача етиб келган.

Шундай қилиб, археологлар, таъмирчи рассомлар, архитекторлардан иборат қадимшуносларнинг халқаро гуруҳи излашлари натижасида топилган деворий ранг-тасвир асарлари ва портретлар қадим Хоразм ва дунё тарихига оид муҳим янгилликларни кашф этишга хизмат қилди. Аввало, қадим Хоразмда афсона сифатида тилга олинган ва ёзма манбаларда ҳам кўрсатилган, милоддан олдинги даврга мансуб "Қатта Хоразм", "Хоразмшоҳлар давлати" ҳақидаги маълумотлар янги топилмалар, ашёлар асосида илмий ишботи топилибди. Иккинчидан, милоддан олдинги II асргача яшаб ўтган Хоразмшоҳларнинг қиёфалари аниқланди. Учинчидан, шу пайтгача Ўрта Осиёда ва умуман, Шарқда деворий ранг-тасвир асарларининг қадимий намуна-

лари деб Афросиёбдаги милодий VII асрга мансуб, Варахшадаги милодий V-VIII асрларга оид, Панжикентдаги милодий V-VIII асрларга доир, Тупроққалъадаги милодий III асрга оид деворий суратлар кўрсатилар эди.

Эндиликда Оқчаҳонқалъадан милоддан олдинги II асрга оид деворий ранг-тасвир асарлари ва портретларнинг топилиши бу санъат турининг қадимийлигини камида беш асрга улғайтирди. Бу эса юртимиз Шарқ ва дунё тасвирий санъатида етакчилик қилганини кўрсатди. Тўртинчидан, Хоразмда ёзув санъати янги эрадан аввалги даврларда тўла шаклланиб бўлганлигини яна бир қарра намоён этди. Бешинчидан, кўплаб олимлар қадим Хоразмнинг илк пойтахти Тупроққалъа деган фикрни илгари сурардилар. Оқчаҳонқалъадаги бу ноёб археологик топилмалар қадим Хоразмнинг пойтахти Тупроққалъадан илгари Оқчаҳонқалъа бўлганини исботлади. Буларнинг ҳаммаси Оқчаҳонқалъада археологлар томонидан амалга оширилган улғу кашфиётлар эди.

Оқчаҳонқалъа эндиликда дунё қадимшунос олимлари, археологлари, тарихчилари назаридаги, эътиборидаги олис ўтмиш мероси бўлган масканга айланган. Бу ердан топилаётган ноёб археологик ашёлар, нодир меъморий иншоотлар, ўзига хос ёдгорликлар барчани ҳайратга солмоқда. Шу билан бирга, кейинги ўн йил ичида Эллиққалъа туманидаги Бўстон шаҳрида "Қадимги Хоразмнинг дунё цивилизацияси тарихида тугган ўрни" мавзусида бўлиб ўтган икки халқаро анжуман ҳам бу қалъанинг тарихий нуфузини оширди. Анжуманларда иштирок этган 50 дан ошқ мамлакатлар олимлари бу қалъани нафақат Ўрта Осиёнинг, балки Шарқнинг ноёб обидаларидан бири сифатида эътироф этдилар. Бу ердан топилаётган нодир археологик буюмлар, осори-атиқалар халқаро кўргазмаларда намойиш қилинмоқда. Улар инсоният босиб ўтган тамаддун йўллари ҳақида гувоҳлик бермоқда.

...Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳудудидаги Оқчаҳонқалъа вайроналарининг аксарият қисми ҳамон қум остида қўмилиб ётибди. Археологик қазималар, қадимшуносларнинг илмий излаишлари давом этмоқда. Демак, келажакда бу ерда жуда кўп тарихий ҳақиқатлар бўй кўрсатиши аниқ.

Камол Муҳаммад ЁҚУБ

Академик билан учрашув

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 4-умумтаълим мактабида ЎзФА Ботаника институти директори, академик Комилжон Тожибоев билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида йил бошида махсус "Йўл харитаси" тузиш аънаъига айланган бўлиб, унга кўра, академия аъзолари мактаб, лицей, олий ўқув юртиларига бориб ёшлар билан учрашув ўтказди. Тадбирнинг асосий мақсади ёшларни илм-фан ютуқлари билан таништириш, уларнинг илмий ишларга қизиқишини оширишдир.

— Ҳаётда инсон эришадиган ютуқларнинг омиллари жуда кўп, — дейди Комилжон Тожибоев. — Шулардан бири ва энг муҳими, вақтнинг қадрига етиш, уни тўғри тақсимлаш, режалаштиришдир. Сиз, ёшларга маслаҳатим, вақтингизни шундай тақсимлангки, ўзингиз ва жамият учун наф келтирадиган ҳамма ишларга етсин. Бунинг учун мамлакатимизда барча шароит ва имкониятлар етарли.



Қотам МАМАДАЛИЕВ
(ўра) олган сурат

“Адолат йўлида таълим”

Яқинда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг олдини олиш ва адолатли суд мавзусига бағишланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Модели — TIMUN-2019 халқаро анжумани Тошкент халқаро Вестминстр университетида бўлиб ўтди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси (UNODC) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир 2012 йилдан буён ўтказиб келинади. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда ёшлар орасида маданият ва ҳуқуқ устуворлигини тарғиб қилиш бўйича "Энг зўр ёшлар лойиҳаси" деб тан олинган. У халқаро дипломатия, глобал сиёсат, нотиклик, етакчилик ва самарали музокаралар соҳасида ёшлар билимини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва адлия соҳасини ўрганиш учун платформа сифатида хизмат қилади.

Бу йилги анжуман TIMUN – DONA декларацияси доирасида "Адолат йўлида таълим" шиори остида, янгича форматда ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Афғонистон, Бангладеш, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Жанубий Африка Республикаси, Туркия, Буюк Британия, Украина, АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатларидаги олий таълим муассасаларининг 400 нафарга яқин талаба-ёшлари, ёш иқтидор эгалари иштирок этди.

Конференция иштирокчилари тинчлик, адолат ва жамиятдаги кучли институтларни шакллантиришга ҳисса қўшиш имконини берадиган билим ва кўникмага эга бўлди.

Тадбирда талабаларнинг 8 та резолюцияси қабул қилинди. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида ёшлар ташкилотлари бу резолюциялардан унумли фойдаланиши мумкин.



Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу тадбир олий таълим ўқитувчиларига қонун устуворлигига путур етказадиган муаммоларни яхшироқ тушуниш ва ҳал қилиш учун ёш авлод ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қолаверса, талабаларни жамиятда ва касбларида фаол бўлишга ўргатади. TIMUN-2019 ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш ва олий таълим соҳасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда мустаҳкам асос яратди.

Ислом СОДИҚОВ

Донолар китоб ҳақида

«Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули дамларида мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролидир».

Ҳалисардан

«Илмдан яхшироқ хазина бўлмас, Қўлингдан келганча тера олсанг бас»

А. Рудакий

Китоб беиминнат устоз, беазир мураббидур.

Алишер Навоий

Билимдонлар сўзи бордир бу бобда:

«Билимдон гўрда-ю, илми китобда!»

Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдур,

Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Абдурахмон Жомий

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
ТАЪЛЫТ МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва халқаро бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабуҳона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёкубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона маънави:
Тошкент шаҳри Буюк Тўрсон кўчаси, 41-уй.
Адаби — 3448
Босишга топириш вақти — 20.30
Босишга топириш вақти — 21.21
Баҳоси келтирилган нархда
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят мазнави: 100043
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ» тўғриси кўчаси, 23-уй
info@adolatgzt.uz adolatgzt-95@mail.ru
Таҳририятга келган кўзёзмалар таърих қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобкор эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

НАШР

КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217

4720415230049

1 2 4 5 6